Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

48 йил чиқиши
№ 139 (13.401).
22 июнь 1966 йил
ЧОРШАНБА
Баҳоси 3 тийин.

СОВЕТ — ФРАНЦИЯ МУЗОКАРАЛАРИ

21 июнда Кремлда Совет Иттифоқи раҳбарлари билан Франция президенти ўртасида музокаралар бошланди.

Музокараларда Совет томонидан Л. И. Брежнев, А. Н. Косигин, Н. В. Подгорний, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико қатнашдилар.

Музокараларда Франция томонидан Франция республикасининг президенти генерал Шарль де Голль, ташқи ишлар министри М. Кув де Мюрвиль қатнашдилар.

Музокаралар фикрларни ошкора айтиш ва самимийлик вазиятида ўтди. Халқаро сиёсатнинг энг муҳим проблемалари устида фикрлашиб олинди.

Музокараларда Совет томонидан СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари В. С. Семёнов, СССРнинг Франциядаги элчиси В. А. Зорин, СССР Ташқи ишлар министрлиги коллегиясининг аъзоси А. Г. Ковалев ҳозир бўлдилар. Франция томонидан Франциянинг СССРдаги элчиси Ф. Бодэ, элчи, республика президенти маҳкамасининг бош секретари Э. Бюрен де Розье, мухтор министр, Ташқи ишлар министрлиги Европа бўлимининг мудири Ф. Пюо, мухтор министр, ташқи ишлар министри кабинетининг директори Б. де Лесс, республика президенти маҳкамасининг маслаҳатчиси Р. де Сен Лежье ҳозир бўлдилар.

ФРАНЦИЯ ПРЕЗИДЕНТИ ШАРАФИГА

СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати 20 июнда Катта Кремль саройида Франция президенти генерал Шарль де Голль шарафига зиёфат бердилар.

Сафарда президентга ҳамроҳлик қилаётган кишилар, шунингдек Франциянинг Совет Иттифоқидаги элчиси Филипп Бодэ, элчихонанинг дипломатик ходимлари Франция республикасининг бошлиғи ва унинг рафиқаси билан бирга бўлдилар.

Совет томонидан Л. И. Брежнев, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, А. Н. Шелепин, Д. Ф. Устинов, И. В. Капитонов, Б. Н. Пономарев ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

Шарль де Голль А. Н. Косигин ҳузурида бўлди

МОСКВА, 20 июнь. (ТАСС). Франция Республикасининг президенти генерал Шарль де Голль бугун Кремлга бориб, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин ҳузурида бўлди.

Шарль де Голль Н. В. Подгорний ҳузурида бўлди

Франция Республикасининг президенти генерал Шарль де Голль 20 июнда Кремлда СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний ҳузурида бўлди. (ТАСС).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми тўғрисида
ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

21 июнда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг III пленуми очилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленуми муҳокамасига қуйидаги масалаларни киритди.

1. КПСС Марказий Комитети май Пленумининг якунлари ва ирригация-мелиорация ишларини кенг ривожлантириш негизида пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини етиштиришни кўпайтириш соҳасида республика партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида.

2. Тошкент шаҳрида зилзила оқибатларини тугатиш, шаҳарни реконструкция қилиш ва қуришда Ўзбекистон ССРга шошилинч ёрдам кўрсатиш масаласи юзасидан КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети қарорини бажариш тадбирлари тўғрисида.

Пленумда кун тартибидаги биринчи масала юзасидан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов** доклад қилди.

Музокараларда Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари **Н. М. Маҳмудов**, Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари **Қ. Камолов**, Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министрининг ўринбосари **Ф. Н. Нажимов**, Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари **Б. Р. Раҳимов**, Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари **Н. М. Муродов**, Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг раиси **М. Г. Хван**, «Средазирсовхозстрой» бошлиғи **А. А. Саркисов**, Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари **Қ. Муртазоев**, «Узглавводстрой» бошлиғи **Н. Р. Ҳамроев**, Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари **С. Усмонов**, Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг биринчи секретари **Р. Ҳ. Абдуллаева**, «Узгипроводхоз» институтининг директори **Б. Н. Қодиров**, Тошкент экскаватор заводининг директори **Н. И. Гликлад**, «Қаршистрой» бошлиғи **Б. Усмонов**, Ўрта Осиё ирригация илмий тадқиқот институти партия ташкилотининг секретари **А. А. Қодиров** ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Пленум ўз ишини давом эттирмоқда.

ХОРАЗМЛИКЛАР ИЗИДАН

ҲОСИЛ ТУПЛАРДАН ОЛИНАДИ

Хоразмликлар ажойиб ташаббус бошлаб бердилар. Пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун нималар қилиш кераклиги уларнинг республикамиз меҳнаткашларига қарата қабул қилган мурожаатларида очиқ-ойдин таъкидлаб ўтилган. Бу мурожаат пахтакорлик касбини упуғлаётган ҳар бир кишининг қалбига тез етиб борди ва одамларни янада унумлироқ меҳнат қилишга даъват этмоқда. Тошкент областидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги», Сирдарё областидаги 1-«Боёвут» совхозлари ва бошқа қатор хўжаликларнинг пахтакорлари хоразмликлар чақириғига лаббай деб жавоб бераётган шу кунларда биз ҳам пахта фронтидаги жанговар кураш-дан четда қололмаймиз. Шунинг учун ҳам машъал Хоразм области пахтакорларининг чақириғини ҳаммамизнинг жанговар чақириғимиз деб биламиз.

Янги беш йилликнинг дастлабки боскичида мамлакатга 9 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришга аҳд қилган колхозимиз пахтакорлари дала ишларини кўнгилдагидек уюштирмоқдалар. Об-ҳаво шароитининг ноқулай келганлигига қарамасдан, чигитни агротехника муддатларида экиб олганлигимиз кўл келди. Қийғос униб чиққан майдонларда дарҳол яганалашга киришган эдик. Шундан сўнг ғўза қатор ораларини культивация қила бошладик. Культивация билан бир вақтда ғўзалар маҳаллий ва минерал ўғитлар аралашмаси билан озиқлантирилди. Дастлабки культивация даврида ҳар гектар майдонга 150 килограмм аммиакли селитра, 100 килограмм суперфосфат ва бир тоннага яқин чириган гўнг солинди. Колхозимиз азаматлари биринчи культивация ва озиқлантиришни 1 июнга қадар тўла тугаллашдилар.

Маълумки, чигит униб чиққанидан кейин хавонинг ҳарорати бирдан пасайиб кетди. Бунинг оқибатида ёш ниҳоллар ўсишдан тўхтади. Бунинг олдини олиш керак эди. Шундай қилдик ҳам. Ерни захлатиб, тупрок ҳароратини пасайтириб юбормаслик мақсадида оби-тобида суғоришга киришдик. Айни вақтда озиқлантиришга ва культивацияни чуқур ўтказишга алоҳида эътибор берилди.

Иккинчи культивация ҳам белгиланган муддатларда ўтказилди. Бу сафар ҳар гектар майдондаги ғўзага 100 килограммдан аммиакли селитра, 100 килограммдан суперфосфат ҳамда 1 тоннадан чириган гўнг аралаштириб берилди. Бирок, хавонинг қаддан ташқари исиб кетиши натижасида ғўзаларни турли ҳашаротлар босди. Шунда биз хўжалигимизда бўлган жамики воситаларни ишга солдик, тракторларга ОДНлар осдик, шунингдек самолётлар ёрдамида пахта далаларига дори сепдик. Шу йўл билан ғўзаларни касалликлардан ва ҳашаротдан тўла саклаб қолиш имкониятига эга бўлдик.

Яқинда районимиздаги Димитров номли колхоз пахтакорлари хўжалигимизда бўлиб, ғўзанинг аҳволи билан танишиб чиқишди. Мусобакадошларимиз ишимиздаги бир қатор ютуқларга тегишли баҳо бериш билан бирга, ғўзанинг ўсиши бултургига нисбатан анча орқада колаётганлигини алоҳида уқтиришди. Мусобакадошларимиз ғўза парваришини жадаллаштириш юзасидан яхши маслаҳатлар бердилр. Биз уларнинг маслаҳатларига тўла амал қилиб, қатор ораларини культивациялашни янада чуқуррок ўтказяпмиз, бегона ўтларни тағ-томири билан юлиб ташлаяпмиз, озиқлантиришни, суғоришни бир-бирига боғлаб олиб боряпмиз.

Колхозчиларимиз июнь ойининг қолган кунларини ғўзанинг ривожланишидаги қолоқликни тугатиш. июльни эса олинган социалистик мажбуриятни муваффақиятли бажаришнинг ҳал қилувчи зарбдор ойи деб ҳисоблашга қарор қилдилар. Колхоз правленеси, партия ва комсомол ташкилотлари июннинг қолган кунлари ва июль ойида ўтказиладиган тадбирларнинг планини тузиб чиқишди. Ана шу планга асосан ғўза парваришини бундан буён ҳам ҳар бир картанинг хусусияти ҳисобга олинган ҳолда давом эттирилади. Учинчи парваришни бошлаб юбордик. Мавжуд 63 та чопик трактори тўхтовсиз ишлаб турибди. Бундан буён ҳар куни камида 300 гектар майдондаги ғўза қатор ораларининг сифатли культивация қилинишига эришамиз.

Ғўза парваришини жадаллаштириш даставвал одамларга — механизатор кадрларга боғлиқдир. Биз буни алоҳида ҳисобга олиб, чопик ва культивацияда қатнашаётган кишиларга дуруст шароитлар яратиб беродик. Уларни моддий жиҳатдан рағбатлантириб туриш учун маблағ ажратганмиз. Дала шийпонлари колхозчиларнинг кўнгилли хордиқ чиқариш жойига айлантирилган, болалар боғчалари, яслилар мунтазам ишлаб турибди. Буларнинг ҳаммаси пахтакорларни баракали меҳнат қилишга даъват этмоқда.

Бу йилги ҳосилнинг учдан бир қисмини «зангори кема»ларда йиғиштириб олишни планлаштирганмиз. Лекин бу иш планлигича қолгозда колиб кетмайди. Ваъда бердикми, унинг устидан чиқамиз. Машина теримида муваффақиятга эришиш учун 31 та терим агрегати ремонтини ҳозирданоқ бошлаб юбордик. Бундан ташқари 29 та трактор тележкалари ремонти кучайтирилди. Биз йиғим-теримда иштирок этадиган барча техника воситаларини август ойига қадар тўла-тўкис тахт қилиб қўйиш учун ҳамма имкониятларимиздан оқилона фойдаланамиз.

Табиат ўжарлик қиляпти. Ҳаво исиб кетиши муносабати билан ғўзани суғоришга алоҳида аҳамият берямиз Суғориш кечаю-кундуз ташкил этилган. Ҳар бир участка сувчиларга биркитиб қўйилган. Суғориш группа усулида ўтказилаётганлиги учун ҳам унинг сифати бизни қувонтирмоқда.

Ўрни келганда суғоришдаги тажрибаларимиз ҳақида икки оғиз гапирмоқчиман. Суғориш олдидан қатор оралари бўйлаб 18-20 сантиметр чуқурликда эгатлар олинади. Механизаторларимиз эгатларнинг тўғри олинишига ҳаракат қилишади. Чунки бу, биринчидан, сувнинг равон оқиши учун қулай бўлса, иккинчидан терим машиналарининг бир меъёрда юриши учун айни муддаодир.

Усишдан орқада қолган ғўза тупларининг жадал ривожланишини таъминлаш мақсадида суғориш эгатлари олинаётган пайтда маҳаллий ва минерал ўғитлардан фойдаланиляпти. Ҳар гектар майдонга 100 килограммдан аммиакли селитра, 50 килограммдан суперфосфат ва 500 килограммга яқин чириган гўнг солиб боряпмиз. Бундай қилиниши ўғитларнинг ғўза тупларига тез таъсир этишини таъминлайди.

Суғоришнинг оби-тобида ўтказилаётганлиги ҳақида гап кетганда Жума Оққабоев, Элмуҳаммад Маҳаматов, Омонқилич Мамиев каби миришкор сувчилар номини алоҳида тилга олгинг келади. Чунки улар ҳар тип ғўзани кондириб суғориш учун вақт билан ҳисоблашмайдилар, суғоришни кечаю-кундуз назорат қилиб турадилар.

Ҳозир ҳар тип ғўзада 3-4 тадан, ҳатто ундан ҳам кўп шона бор. Парваришни агротехника қоидалари асосида ўтказиб, 1 июлга қадар барча майдонлардаги ғўзани ёппасига гуллатиб олмоқчимиз.

Вегетация даврида ғўзаларнинг касалланишига, бегона ўт босиб кетишига йўл қўймаслик учун культиваторларнинг ишчи органлари яхши регулировка қилиняпти, ҳашаротларга қарши химиявий дориворлардан мақсадга мувофик равишда фойдаланиляпти. Ғўза парвариши билан боғлиқ бўлган ҳамма ишлар муддатидан кечиктирилмай амалга оширилаверади.

Бу йил гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштирамиз. Лекин бунча ҳосил ғўза тупларидан олинишини яхши биламиз. Шундай экан, гектарларнинг тўла бўлиши, культивация даврида бирор туп ҳам ғўзанинг қиркилиб кетишига йўл қўймаслик асосий вазифамиз ҳисобланади. Қайси бригадада бўлманг, қайси участкани айланманг ҳамма жойда ғўза туплари бут эканлигини кўриб кўзингиз қувонади. Бундан кейин ҳам ғўза тупларининг тўла сақлаб қолинишини ва серҳосил бўлиб ўсишини таъминлаймиз. Июннинг қолган кунлари ва июлни зарбдор ойлар деб эълон қиламиз.

О. ДУРДИЕВ,
Тўрткўл районидаги Максим Горький номли колхоз раиси, Соцкалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Совети депутати.



Тошкент область, Оққўрғон районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози 3-бўлимининг Ҳатам Солиев бошлиқ комплекс звеноси 40 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилган. Звенода шу аҳдга яраша меҳнат қилиняпти. Ҳозир барча майдондаги ғўза қатор оралари уч марта кўндалангига, уч марта узунасига культивация қилиниб, уч марта озиқлантирилди. Суратда: ўртоқ Ҳ. Солиевнинг ғўза қатор ораларига ишлов бераётган пайти.

А. Тўраев фотоси.

Ғалла фронтида

Дастлабки рапортлар

Бенобод райони қишлоқ хўжалик меҳнатчилари Узбекистонда биринчи бўлиб ғалла тайёрлаш йиллик планини муваффақиятли бажардилар. Давлат ўларган сал кам уч минг центнер дон қабул қилиб олди. Ўрта Чирчиқдаги «Полярная звезда» колхозининг деҳқонлари мажбуриятларини адо этдилар. Илғор механизаторлар ғалла ўримини атиги ўн кунда тугалладилар. Колхоз аъзолари яна бир йиллик план миқдорида ғалла топшириш юзасидан янги мажбурият олдилар.

Пойтахт областининг далаларида икки юзга яқин комбайн бошқли экинлар ҳосилини ўрмоқда. Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел», «Гулистон», «Правда» колхозлари ва бошқа хўжаликларнинг механизаторлари гектар бошига 15 центнер дон янчиб олмоқдалар.

Тошкент областининг ғалланорлари бу йил тайёрлов пунктларига ўтган йилдагидан анча кўп, яъни 23,7 минг тонна бугдой ва арпа элтиб беришга аҳд қилдилар.

(ЎзТАГ).

Мажбурият ҳам бажарилади

СИРДАРЁ (телефон орқали) КПСС XXIII съезди тарихий қарорларини изчиллик билан амалга оширётган Зомин районидаги «Қизил чорвадор» совхозининг азамат ғалланорлари меҳнатда катта ютуқни қўлга киритдилар. Улар пландаги 5500 тонна ўрнига давлатга 5742 тонна дон етказиб бериб, планни 104,4 процент қилиб адо этдилар.

Шу кеча-кундузда совхоз далаларида комбайнлар тинимсиз ишлаб турибди. Совхоз ғалланорлари қолган ғаллаларни тез кунда ўриб йиғиб олиб, мажбуриятни ҳам шараф билан бажариш учун нурашмоқдалар.

Т. ЖАМОЛОВ.

ТАШВИШЛИ СИГНАЛ

ТЕРЕНТЬЕВ ташвиш тортмагач...

— Ғўзангизнинг авжи қалай?

— Зўр.

— Тракторлар қандай ишлаяпти?

— Михдай...

Мирзачўлдаги 1-совхознинг бош инженери Ўртоқ Терентьевга мурожаат қилсангиз ана шундай жавобларни эшитасиз. Ҳақиқатда эса, совхозда ғўза парвариши яхши уюштирилмаган. Ғўзанинг ривожи паст. Бунинг устига 500 гектардан ортиқ майдондаги ғўзаларни бегона ўт босиб кетган.

6-бўлимнинг Карим Усмонов бошлиқ бригадасида ҳалигача ягана тугалланмаган. Культивация саёз ўтказилмоқда. Культиваторларнинг ишчи органлари нотўғри мослаштирилганлиги оқибатида ниҳоллар нобуд бўляпти.

Совхозда, ғўза парвариши кечикаётганлиги устига 20 та чопиқ трактори турли сабабларга кўра бекор турибди. Уларни ишга туширишга ҳақида бош инженер сира қайғурмайди.

Терентьев қачон ташвиш тортаркин, техника қачон ишга тушириларкин?

Яқинда жиззахлик мусобақадошлар ана шундай таъна қилишган эди. Афсуски, бу жавобсиз қолиб кетяпти.

С. ҚОДИРОВ.
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

БЕГОНА ЎТ:

— Қани, биздан юқори кўтарилиб кўрчи.

А. Холиқов чизган расм.

ДАШТ ҒЎЗАСИ ГУЛЛАДИ

Мирзачўлда ҳаёт эрта саҳардан бошланади. Пахтазорларда жўшқин меҳнат симфонияси жаранглайди. Қайси совхозда ёки колхозда бўлманг, ижодий меҳнат булоқдек қайнаётганлигининг гувоҳи бўласиз. Яқинда биз Герман Титов номли совхозда бўлиб, бунга тўла ишонч ҳосил қилдик.

Совхоз азаматлари ҳар туп ғўзани меҳр билан парвариш қилишяпти. Культивация, суғориш ва озиқлантириш бир-бирига боғлаб олиб бориляпти. Инобат Охунова, Нажмиддин Равшанов, Қувондиқ Абдураззоқов бошлиқ бригадаларда айниқса ғўзаларнинг авжи баланд. Бу бригадаларнинг каттакатта майдонларида ғўза текис гуллай бошлади.

Д. УРИНБОСАРОВ.

ЎЗБЕК МАДАНИЯТИ ДЕКАДАСИГА ДОИР

СОФИЯ, 21 июнь. (БТА). Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари Рафиқ Нишонов бошлиқ Ўзбекистон делегацияси кеча Пловдивда меҳмон бўлди. Шаҳар аҳолиси делегацияни самимият билан қутлади.

Меҳмонлар жанубдаги қадимгишаҳарнинг диққатга сазовор жойларини бориб кўрдилар. Болгар—Совет дўстлиги жамияти Пловдив шаҳар комитетининг раиси Х. Тавков халқнинг ўз халоскорлари бўлмиш совет қардошларига нисбатан чуқур меҳр-муҳаббат ва миннатдорчилик туйғуларини изҳор этди. Меҳмонлар Халоскорлар тепалигида бўлишди. Русларнинг жанговар шон-шуҳрати рамзи сифатида ўрнатилган ёдгорлик билан совет жангчисининг ҳайкали шу тепаликда қад кўтариб туради.

Делегация мамлакат бўйлаб қилган сафарини тугаллаб, Софияга қайтиб келди.

ЎРИМ ЗАРБДОРЛАРИГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети бошқли дон экинларини ўриб-йиғиб олиш, давлатга дон топшириш ва уруглик фонди жамғариш юзасидан республика областлари, районлари ва совхозлари ўртасида социалистик мусобақанинг 1966 йил 20 июнгача бўлган якунларини қараб чиқиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг қўчма Қизил байроғини **Сирдарё области** (область партия комитетининг секретари ўртоқ **Махмудов**, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Тасанбоев**, область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Бухоров**, область совхозлар трести директорининг вазифасини бажарувчи ўртоқ **Алимов**, «Узсельхозтехника» область бирлашмасининг раиси ўртоқ **Антонов**, Гулистон марказий дон маҳсулотлари қабул қилиш пунктининг директори ўртоқ **Қораев**)да қолдиришга қарор қилдилар. Бу областда мавсум бошидан бери 95,5 минг гектар, яъни умумий майдоннинг 43,7 процентидаги, шу жумладан кейинги беш кун ичида умумий майдоннинг 14,8 процентидаги бошоқли дон экинлари ўриб олинган, давлатга дон топшириш йиллик плани (шолидан ташқари) 46 процент, шу жумладан кейинги беш кун ичида 35,9 процент бажарилган, уруглик фонди учун 6100 тонна, яъни планга нисбатан 30,5 процент, шу жумладан кейинги беш кун ичида 16,9 процент миқдорида уруглик жамгарилган.

Қўчма Қизил байроқ Сирдарё областидаги **Зомин райони** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Сатторов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Рахматуллаев**, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Яценко**)га берилди. Бу район мавсум бошидан бери 48.6 минг гектар, яъни умумий майдоннинг 45.9 проценти, шу жумладан кейинги беш кун ичида 15,2 процентидаги бошоқли дон экинларини ўриб олган, давлатга дон топшириш йиллик планини 59.5 процент, шу жумладан беш кун ичида 47.5 процент бажарган, уруглик фонди учун 5288 тонна, яъни планга нисбатан 57 процент, шу жумладан кейинги беш кун ичида 34.1 процент миқдорида уруглик жамгарган. Қўчма Қизил байроқ шу областдаги Фориш районидан олиб берилди.

Қўчма Қизил байроқ Сирдарё область, Зомин районидаги **«Ударник» совхози** (директори ўртоқ **Султонов**, партия комитетининг секретари ўртоқ **Тилагов**, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ **Бурхонов**)га берилди. Бу совхозда мавсум бошидан бери 17,6 минг гектар, яъни умумий майдоннинг 69 проценти, шу жумладан кейинги беш кун ичида 19,1 процентидаги бошоқли дон экинлари ўриб олинган, давлатга дон топшириш йиллик плани 113,5 процент, шу жумладан кейинги беш кун ичида 87,3 процент бажарилган, уруглик фонди учун 2865 тонна, яъни планга нисбатан 99,4 процент миқдорда дон жамгарилган. Қўчма Қизил байроқ Сирдарё область, Зомин районидаги «Қизил чорвадор» совхозидан олиб берилди.

ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ—МУТТАСИЛ МЎЛ ҲОСИЛ ОЛИШНИ ТАЪМИНЛАЙДИГАН ЙЎЛ

КПСС Марказий Комитети май Пленумининг якунлари ва республика партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленумида ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВ доклади

Ўртоқлар!

Партиямиз қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини халқ хўжалигининг энг муҳим тармоқларидан бири деб ҳисоблайди. «Қудратли саноат билан бир қаторда гуллаб-яшнаётган, ҳар томонлама ривожланган ва сермаҳсул қишлоқ хўжалигини вужудга келтириш, — дейилади КПСС Программасида, коммунизм қуришнинг мутлақо зарур шартидир».

Партия таълим бериб айтадики, мамлакатдаги ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши ва мустаҳкамланиши, бутун социалистик экономикани янада юксалтириш ва совет кишиларининг турмуш даражасини ошириш қишлоқ хўжалигининг ривожланиш даражасига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Партия шунга асосланадики, қишлоқ хўжалигини юксалтириш билан боғлиқ бўлган масалалар тўғри ҳал қилиниб бормаса, социалистик экономиканинг муваффақиятли ривожланиши мумкин эмас.

Шу сабабли, КПСС XXIII съезди **колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришини юксалтириш бутун партиямиз ва халқимизнинг энг муҳим вазифаси** эканлигини зўр куч билан уқтириб ўтди. Съезд қишлоқдаги ишлаб чиқарувчи кучларни янада ўстиришга, саноат ва қишлоқ хўжалигининг ривожланишида вужудга келган диспропорцияни тугатишга шарт-шароит яратиб бермоқ учун қишлоқ хўжалигида бир қанча чораларни амалга ошириш зарурлигини кўрсатиб берди.

Бу вазифани ҳал қилишнинг асослари съезднинг беш йиллик планга доир Директиваларида баён қилиб ўтилди. Беш йил мобайнида қишлоқ хўжалигига сарфланадиган капитал маблағни икки баравар чамаси кўпайтириш мўлжаллаб қўйилди. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигига сарфланадиган капитал маблағлар бундан ҳам энедроқ, яъни 2,3 баравар кўпайтирилади. Беш йиллик мобайнида ўтган беш йилдагига нисбатан бутун мамлакатда қишлоқ хўжалигига етказиб бериладиган тракторлар 700 мингта ва юк автомобиллари 680 мингта, қишлоқ хўжалик машиналари 4 миллиард сўмлик кўпайтирилади. Қишлоқ хўжалигида истеъмол қилинаётган жамики электр энергия тахминан 3 баравар кўпаяди. Колхозлар ва совхозлар 1970 йилда 1965 йилдагига нисбатан 2 баравар кўп минерал ўғит оладилар.

«Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига, саноатнинг эса қишлоқ хўжалик хом ашёсига ўсиб бораётган талабларини яхшироқ қондириш мақсадида деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш қишлоқ хўжалиги соҳасидаги асосий вазифадир», деб Директиваларда уқтириб ўтилган.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада **интенсивлаш** бу вазифани ҳал қилишнинг асосий йўлидир Партия XXIII съездида кўрсатиб ўтилганидек, колхозлар ва совхозлар қишлоқ хўжалигига яроқли ерлардан хийла рационал фойдаланиш йўли билан экин майдонларини кенгайтиришни бундан бўён ҳам маълум даражада давом эттира берадилар. Лекин **ерининг ҳар бир гектаридан олинаётган ҳосили бутун чоралар билан ошириш умуман қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва хусусан дон етиштиришни кўпайтириш суръатларини жадаллаштиришнинг ҳал қилувчи шартидир.**

Қишлоқ хўжалиги соҳасида асосий вазифа бўлган қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини ошириш мақсадида съезд мамлакатнинг ҳамма зоналарида тупроқларнинг унумдорлигини ва деҳқончилик маданиятини юксалтириш ишларини **умумдавлат миқёсида** амалга ошириши зарур деб топди.

КПСС Марказий Комитетининг шу йил май ойида бўлиб ўтган Пленуми қарорлари ҳам худди шу мақсадга хизмат қилади. Пленум хўжалик қурилишининг энг муҳим масалаларидан бирини — **дон ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан муттасил мўл ҳосил олмоқ учун ерларни мелиорациялашни кенг ривожлантириш** масаласини атрофлича кўриб чиқди. Пленум Марказий Комитетнинг 1965 йил март ва сентябрь Пленумларида белгилаб берилган иқтисодий ва ташкилий чоралар асосида партиянинг қишлоқ хўжалигини интенсивлаш мақсадида ўтказиб келаётган йўлини ривожлантирди.

Социалистик қишлоқ хўжалигини янгидан юксалтирмоқ учун партия ва халқ олиб борадиган курашнинг КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг ташаббуси билан ишлаб чиқилган пухта ва илмий жиҳатдан асосланган программаси май Пленумининг ҳужжатларида баён қилиб берилди.

Май Пленумининг кўрсатмаларига мувофиқ, яқинда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «Дон ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан муттасил мўл ҳосил олмоқ учун ерларни мелиорациялашни кенг ривожлантириш тўғрисида» батафсил қарор қабул қилдилар. Шу қарорда КПСС Марказий Комитети Пленумида мўлжалланган программани бажаришни таъминлайдиган конкрет чоралар аниқ ва бирма-бир белгилаб берилди.

Партия ва ҳукумат белгилаб берган чораларни амалга ошириш яқин йиллар ичида мамлакатда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини мўл-кўл қилишга имкон беради.

Ерларни суғоришни ва мелиорациялашни ривожлантириш — бу проблемани ҳал қилишнинг калити дир. Ирригация билан мелиорация тупроқ унумдорлигини ва деҳқончилик маданият

Ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВ докладининг давоми

(Боши иккинчи бетда).

самарадор фойдаланишни таъминлашнинг ҳам аҳамияти катта. Бу соҳада бизнинг жуда кўп резервларимиз бор. Суғориш системаларида 40-45 процентга яқин сув фақат шимилиб нобуд бўлиб кетмоқда ва бунинг натижасида ер ости сувлари кўпаймоқда. Бу эса, ерларнинг мелиоратив ҳолатини ёмонлаштиришга ва қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини пасайтиришга олиб келмоқда.

Бизнинг вазифамиз шуки, ерларни суғоришга ажратилган сувдан тежаб фойдаланишга ва бунинг учун ажратиладиган сувни кескин равишда кўпайтиришга, бундай сувларнинг нобуд бўлишини 1,5-2 баравар камайтиришга эришмоғимиз керак.

Хўжаликлар ичидаги суғориш системаларини сабот ва изчиллик билан қайта қуриб чиқишимиз зарур. Олимларнинг айтишига қараганда, мана шундай қайта қуриш натижасида суғориш системаларининг фойда беришини 20-30 процент кўпайтириш ва 5-6 миллиард кубметрга яқин сувни тежаш мумкин. Бу — бизнинг катта резервимиз. Биз бу резервни ишга солишимиз лозим.

Бир қанча йиллардан бери республиканинг турли районларида каналларнинг ўзанларига бетон қоплаш йўли билан магистрал каналларда ва сув тақсимловчи ариқларда сувнинг нобуд бўлишини камайтириш ишлари олиб борилмоқда. Каналларни бетонлаш яхши натижа бераётганлигини тажриба кўрсатиб турибди. Бундан буён бу ишни тағин ҳам кенгроқ миқёсда олиб борамиз.

Суғориладиган ерларни сувга қондириш ишларини амалга оширишда маҳаллий хўжаликларнинг ташаббусини ривожлантиришнинг аҳамияти жуда катта. Ўртоқ Л. И. Брежнев Марказий Комитетнинг май Пленумида сўзлаган нутқида, колхозлар ва совхозлар ўз кучлари ва маблағларини ишга солиб, область, ўлка ва республика ташкилотларининг ёрдамига таяниб, ерларни яхшилаш, уларнинг унумдорлигини ошириш билан анча активроқ шуғулланадиган бўлиб колурлар деб ишонч билдирди. Республикадаги колхозлар ва совхозларнинг раҳбарлари, партия ташкилотлари бундан керакли хулосалар чиқариб олишдилар, деб ўйлаймиз.

Суғоришни механизациялаш, сочма қилиб (ёмғир ёғдирган каби қилиб), суғориш сингари прогрессив усулга ўтиш сувни анча тежашга ва суғориш учун сарф бўлаётган меҳнатни камайтиришга имкон беради. Суғориш ишларини механизациялашни имкони борича кенгроқ жорий қилишимиз керак. Бунинг учун мавжуд суғориш техникасини такомиллаштираверишимиз ва янги, тағин ҳам мукаммалроқ суғориш техникасини яратиб бериш зарур. Бу соҳада олимларимиз, конструкторлик ташкилотларимиз, саноат корхоналарининг коллективлари кўпгина иш қилишлари мумкин ва лозим. Деҳқонлар улардан конкрет ёрдам кутмоқдалар.

Баъзи чет эл мамлакатларида суғоришни механизациялаш ва суғоришнинг янги системаларини жорий қилиш соҳасида тўпланган тажрибалар оз эмас. Қишлоқ хўжалик машиналари ва ускуналарининг яқинда Москвада ташкил этилган Халқаро виставкасида сочма қилиб суғорадиган яхши аппаратлар намойиш қилинди. Биз чет эллардаги тажрибаларни ва ўзимизда бўлган энг яхши тажрибаларнинг ҳаммасини диққат билан ўрганиб чиқишимиз ва ўзимизда татбиқ қилишимиз керак.

Ер ости сувлари далаларни сувга қондиришнинг катта резервларидан бири. Кейинги йилларда геологлар республикада бундай сувларнинг анчагина запаслари борлигини аниқладилар. Аввало, сув тахчил районларда далаларни суғориш учун бундай сувлардан фойдаланиш керак. Аммо, бу ишда иқтисодий манфаатни кўзда тутиш шарт.

Қишлоқ аҳолисини сув билан таъминламоқ учун ҳам ер ости сувларидан кенг фойдаланиш керак. Яхши, тоза ер ости сувидан фойдаланмай, қишлоқ аҳолисининг тозаланмаган ариқ сувини ичиши каби аҳволга бундан буён тоқат қилиб бўлмайди.

Ер ости сувларидан кенгроқ фойдаланиш йўлакай бошқа бир вазифани ҳам ҳал қилишимизга — мелиорация жиҳатидан ноқулай бўлган районларда сизот сувларини камайтиришимизга ҳам ёрдам беради, чунки куз-қиш фаслларида каналларни бекитиб қўйиш мумкин бўлиб қолади.

Далаларни сувга қонадиган қилиш — энг муҳим вазифаларимизнинг биридир. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳамма тармоқларини юксалтириш учун бу вазифанинг ҳал қилиниши жуда катта аҳамиятга эга.

Республикада сув танқислигини йўқотиш пахтадан мўл ҳосил олиш учун, сабзавот, мева етиштиришни кўпайтириш учун қулай шарт-шароит яратиб бериш демакдир, бедазорларни ва бошқа озуқа экинлари экилаётган майдонларни кенгайтириш учун, алмашлаб экишларни жорий қилиш учун шароит вужудга келтириш демакдир. Сув танқислигини йўқотиш қишлоқ хўжалигини интенсивлашга олиб борадиган тўғри йўлдир.

Шу сабабли биз далаларни сувга қондириш соҳасида беш йилликка мўлжалланган ишларнинг ҳамма сини белгиланган муддатларда тўла ва ошириб бажаришимиз керак. **Бундан кейинги беш йилликда сув тахчиллигига учрайдиган битта ҳам район қолмаслиги учун ҳамма чораларни кўриш — бизнинг бурчимиздир.**

Мелиорация — қишлоқ хўжалигини юксалтиришнинг энг муҳим шарти

Барча ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш олдимизда турган муҳим проблемадир. Муттасил мўл ҳосил олмоқ учун, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини барқарор қилмоқ ва деҳқончилик маданиятини оширмоқ учун шароит вужудга келтиришни шу проблеманинг ҳал қилинишига боғлиқ.

Республикамизда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш соҳасида катта ишлар қилинди. Етти йилликнинг ўзидагина республикада 15 минг километрдан кўпроқ коллектор-зовур шохобчалари қурилди ва ишга туширилди. Шу вақт ичида 400 минг гектарга яқин суғориладиган ерларнинг мелиорация ҳолати яхшиланди.

Шундай бўлса ҳам, катта-катта майдонлардаги ерларнинг мелиоратив ҳолатини қўнгилдагидек деб бўлмайди. Ҳозир республикада жамики суғориладиган ерларнинг ярмига яқини озми-кўпми шўр босган ёки шўр босадиган ерлардан иборат.

Мирзачўлда, Марказий Фарғонада, Бухоро, Сурхондарё областларида ва Қорақалпоғистон АССРда бундай ерлар кўп. Шу ерларда коллектор-зовурлар қуриш, айниқса хўжаликлар ичида коллектор-зовурлар қуриш ҳали кенг ривож топгани йўқ. Мавжуд коллектор ва зовурларнинг узунлиги етарли эмас, кўпчилигининг чуқурлиги ҳам етарли эмас.

Ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлиги сабабли Бухоро пахтакорлари катта қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Бу областда ҳар бир гектарга ҳисоблаганда коллектор-зовур шохобчаларининг узунлиги ўрта ҳисобда 8,3 метрдан ошмайди. Бухоро деҳқонлари жуда катта меҳнат сарфлаётганлари ҳолда, ҳар бир гектардан ҳали ҳам паст ҳосил олмоқдалар — пахта ҳосили гектар бошига 19-20 центнердан ошмаётир.

Бухоро области партия ташкилоти ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ер участкаларини текислаш, ерларнинг шўрини ювишни сифатли қилиб ўтказиш соҳасида кўп ишлар қилди. Бироқ, кўрилган чоралар етарли эмас.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети Бухоро областида ерларни шўр ва зах босиши сабабли оғир аҳвол вужудга келганлигини ҳисобга олиб, ушбу беш йилликда Бухородаги ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш тадбирларини белгилаб берди. Бу ишларни ўтказиш учун юз миллион сўмга яқин пул ажратилади. Яқин 2-3 йил ичида суғориладиган зонадаги ер ости шўр сувларини Амударёга ва Денгизкўлга оқизиб юборадиган қилиш, жуда кўп вертикал ва горизонтал зовурлар қуриш, кенг ҳажмда ерларни текислаш ишларини ўтказиш лозим.

Аму—Бухоро ва Аму—Қорақўл каналлари қурилиб бўлди, Каттақўрғон сув омборининг ҳажми кенгайтирилди. Шу туфайли энди Бухоро областида далаларни сув билан таъминлаш, мелиорация ишларини тезроқ ўтказиш масалаларини ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб қолади.

Бухоро областининг партия ташкилоти ва барча меҳнаткашлари бу ишларни Хоразм области, Қорақалпоғистоннинг жануби, ва Фарғона ооластининг кўп районларида бўлгани каби, сабот ва матонат билан олиб боришлари лозим. Шу билан бир қаторда, қишлоқ хўжалик оборотидан чиқариб юборилган 8 минг гектардан кўпроқ ерни яна ишга солиб, экинзорларга айлантириш чораларини кўриш зарур.

Сирдарё областининг эски зонасидаги ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети чиқарган қарор қониқарсиз бажарилмоқда. Шу зонадаги ерларда вертикал дренаж қуриш ва ундан фойдаланиш ишлари шу вақтгача йўлга қўйилгани йўқ. Суғорилиб келинган ерлардан 35 минг гектари шу областда қишлоқ хўжалик оборотидан чиқиб қолганлигига асосан мана шу нарса сабаб бўлди.

Сирдарё область партия комитети ва область ижроия комитети бу аҳволни тезроқ тугатишлари керак. Қишлоқ хўжалик министрлиги, Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, республика қурилиш ташкилотлари ҳам бундан зарур хулосалар чиқариб олишлари керак. Ҳозирча улар сирдарёликларга тузук ёрдам бермаётирлар.

КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми айни бир вақтда зовур ва коллекторлар қурмай туриб, ирригация системаларини қуриш практикасини қоралади. Шундай қилинганлиги жуда тўғри, чунки биз бундай практика суғориладиган деҳқончиликка катта зарар етказаётганлигини ўз тажрибамизда аққол кўрдик. Шундай бўлса ҳам, бизда мана шундай хаталарга йўл қўйиш давом этмоқда.

Олинган ҳисобларга қараганда, Сурхондарё областида суғориш шохобчалари бўла туриб, фойдаланмасдан ётган 10 минг гектарга яқин ер бор, шу ерларнинг 8 минг гектари янги ташкил этилган совхозлар («Таллиморон», «Янгиобод» ва «Комсомолобод» совхозлари) территориясида. Нега шундай бўлди? Бунинг сабаби фақат шуки, бу совхозларда ер комплекс равишда тайёрланмади: коллектор-зовур шохобчалари қурилмади, далалар лозим бўлган даражада текисланмади, ерларни суғориш учун эса сув ҳеч бир ўлчовсиз берилаверди.

Мелиорация жиҳатидан ноқулай ерларнинг кўплиги халқ хўжалигига жуда катта зарар етказади. Илмий тадқиқот ташкилотларининг маълумотларига қараганда, ҳатто камроқ шўр босган ерларда ҳам пахта ҳосили шўр босмаган ерлардагига нисбатан камида 10-20 процент, ўртача ва кўп шўр босган ерларда эса, 40-50 процентгача пасайиб кетмоқда. Бундай шароитда ҳатто кўпроқ минерал ўғит солиш ҳам тузук натижа бермаётир. Шўр босган ерларда пахта 15-20 кун кечикиб етилади, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг чиқимлари эса, бундай ерларда 20-25 процент ошиқ бўлади.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш — республикамиз қишлоқ хўжалигининг жуда катта резервидир. Бу — тупроқнинг унумдорлигини оширишнинг, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини кўтаришнинг тўғри йўлидир.

Буни биз Хоразм областининг мисолида яққол кўрдик. Маълумки, Хоразм воҳаси узоқ вақтлардан бери республикада деярли энг паст ҳосил бериб келган эди. Яқин-яқинларда ҳам бу областда пахтанинг ҳар бир гектаридан олинаётган ҳосил 20 центнердан ошмас эди.

Бунинг сабаби нималигини биласизми? Бунинг сабаби шуки, Хоразмдаги ерларни жуда шўр босиб кетган эди. Хоразм пахтакорлари ерларнинг шўрини кетказиш ишига зўр ғайрат билан киришдилар. Улар коллекторлар ва зовурлар қуришни кенг авж олдириб юбордилар, далаларни текислашга киришиб, катта ишлар қилдилар. Мана шу тадбирларнинг ҳаммаси далаларнинг шўрини ювиш ва бошқа агротехника тадбирларини анча самарали қилиб ўтказишга имкон берди. Натижада аҳвол бутунлай ўзгариб кетди. Об-ҳаво шароити ноқулай келганлигига қарамай, бутун кейинги йиллар давомида Хоразм области гектар бошига республикада энг катта — 30-35 центнердан ҳосил бермоқда.

Шўр босадиган ерларда қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги коллектор-зовур шохобчаларни қай даражада ривожлантиришганлигига боғлиқ эканлигини Хоразмнинг тажрибаси очиқ кўрсатиб турибди. 1953 йилда ўрта ҳисобда ҳар бир гектар бошига коллектор-зовур шохобчаларининг узунлиги атиги 6,9 метр бўлиб, пахтанинг ҳосилдорлиги эса 19,3 центнер бўлган бўлса, 1965 йилда коллектор-зовурларнинг узунлиги гектар бошига 23,6 метрга етказилди, пахтанинг ҳосилдорлиги 34,9 центнерга етди. Лекин бу ҳам охирги чегара эмас. Областнинг илғор хўжаликлари ўтган йил гектар бошига 40-45 центнер пахта олдилар.

Бу муваффақиятнинг «сири» шундаки, область партия ташкилоти катта ташкилотчилик ишларини ва сиёсий ишларни олиб борди. Хоразм коммунистлари ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш йўлини сабот ва изчиллик билан ўтказиб келдилар.

Хоразм қишлоқ меҳнаткашларининг тажрибаси ҳамма областларга муттасил мўл ҳосил олиш йўлини кўрсатиб турибди. Бу тажрибани ҳамма жойга ёйиш керак.

Биз жуда катта ҳажмдаги мелиорация ишларини бажаришимиз лозим. Янги беш йилликда 500 минг гектар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш кўзда тутилади. Яқин 10 йил ичида эса, суғориладиган районлардаги жамики шўр босган ерларнинг шўрини кетказишни мўлжалламоқдамиз.

Бу вазифани бажаришда очиқ коллектор-зовур шохобчалари қуриш билан бир қаторда ёпиқ горизонтал ва вертикал зовурлар системасини ҳам кенг қўлланишимиз лозим. Республикада кенг миқёсда ўтказилган тажрибалар далалари яхши текисланган ва ерларнинг шўрини ювиш яхши сифатли қилиб ўтказилган бўлса, вертикал зовурлар системаси энг яхши натижалар бераётганлигини кўрсатиб турибди. Бу система шўр босган ерларнинг мелиоратив ҳолатини бутунлай яхшилайди. **Вертикал ва ёпиқ горизонтал зовурлар қуриш ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг энг прогрессив усулидир. Бу усулга кенг йўл очиб бериш керак.**

Зовурларни яхшилаб қўйиб, ерларнинг шўрини ювиш бундай ерларнинг шўр босишига қарши курашишнинг энг самарали воситасидир. Ерларнинг шўри ювилиб турмаса, ҳеч қандай агротехника тадбирлари, шу жумладан қудратли химиявий воситаларни қўлланиш ҳам мўл ҳосил олишни таъминлай олмайди. Ерларнинг шўрини ювиш яхши натижалар бериши эса шу ерларнинг яхши текисланган бўлишига тамомила боғлиқдир. Шу сабали биз далаларни яхшилаб текислаш ва шўрини ювиб туриш масалаларига ҳар доим диққат ва эътибор беришимиз керак.

Шу билан бирга, партов суғорилмаган далалардан чиқариб юборадиган шохобчаларни кенгайтириш ва реконструкция қилиш соҳасида катта ишларни амалга оширишимиз зарур. Шу беш йилликда мана шундай шохобчалардан 5-6 минг километрини реконструкция қилиш мўлжаллаб қўйилди Хоразм областида Дарёлик ва Озерний коллекторлари, Фарғона водийсида Аччиқўл, Дамкўл ва Момохон коллекторлари, Бухоро областида Ғарбий Ромитан, Денгизкўл, Параллел ва Бошқорақўл коллекторлари, Қорақалпоғистон АССРда Хўжайли ва Қўнғирот коллекторлари, Сурхондарё областининг Термиз ва Жарқўрғон районларидаги коллекторлар системаси ва бошқа шулар каби катта-катта коллекторлар қурилади ёки реконструкция қилинади.

Бу тадбирлар мелиорация ҳолати ноқулай бўлган 800 минг гектарга яқин майдондаги ер ости сувларини экинзор ерлар зонасидан ташқарига чиқариб юборишни кўпайтириш имконини беради.

КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил март Пленуми қарорларига ва СССР Министрлар Советининг қарорига мувофиқ, колхозларда хўжалик ичидаги коллектор-зовур ва суғориш шохобчаларини қуриш ва қайта қуриш, шунингдек ерларни кенг миқёсда текислаш ишларини давлат бюджетининг сув хўжалиги қурилишига ажратган маблағлари ҳисобига бажаришга рухсат берилди. Биз шу мақсад учун ажратилган маблағлардан тўла равишда фойдаланишимиз керак. Лекин фақат шу маблағларгагина кўз тутиб ўтириш ярамайди. Мелиорация ишларига колхозларнинг ҳам маблағларини жалб қилиш керак.

Шуни айтиш керакки, сув хўжалик қурилишига колхозлар сарфлаётган маблағларнинг улуши унчалик катта эмас. Масалан, Бухоро области хўжаликларида колхозларнинг сув хўжалиги қурилишига қилаётган сарфлари жамики сарфларнинг атиги 8-9 процентини ташкил қилади.

Мелиорация ишларини бажаришда хўжаликлар ўзлари сарф қилаётган маблағларни бирмунча кўпайтиришлари мумкин бўлур эди, деб ўйлаймиз. Бундан уларнинг ўзлари манфаатлападилар, холос.

Бухоро областига доир маълумотларни айтиб бераман. Бу областда ҳайдаладиган ҳар юз гектар ерга ҳисоблаганда сув хўжалиги қурилишига 990 сўмдан сарфлаган 30 та колхоз бор. Шу колхозларда ҳар бир гектардан ўрта ҳисобда атиги 12,9 центнер пахта олинди, ҳайдаладиган ерларнинг ҳар юз гектарига ҳисоблаганда эса, олинган ялпи маҳсулот ҳажми 45 минг сўмлик бўлди. Бошқа группага мансуб бўлган 18 колхозда шу мақсадларга сарфланган капитал маблағлар ҳайдаладиган ерларнинг ҳар юз гектарига ҳисоблаганда ўрта ҳисобда 2 минг сўмдан ошиқроқ бўлди. Шу колхозларда ҳар бир гектардан ўрта ҳисобда 20,9 центнердан пахта олинди, ҳайдаладиган ерларнинг ҳар юз гектарига ҳисоблаганда олинган ялпи маҳсулот ҳажми эса, 84 минг сўмлик бўлди.

Мелиорация қурилишининг жуда катта программасини амалга ошираётганимизда зовурлар системасини илмий асосда районлаштиришимиз керак. Зовурлар қуришда шаблон бўлиши мумкин эмас. Масалан, Хоразмда яхши натижа берган зовурлар системасини Мирзачўлга ёки Марказий Фарғонага суриштирмай кўчиравериш ярамайди. Илмий муассасалар, биринчи навбатда Союзнихи ва САНИИРИ зовурлари бор ерларда ўтказиладиган агротехника ва агромелиорация тадбирларининг табақалаштирилган системаларини ҳамма областларга, районларга ва хўжаликларга тузиб беришлари керак.

Энг прогрессив системалардаги зовурлар қуриш йўлини ўтказаётиб, Мирзачўл, Фарғона ва Бухоро районларида вертикал ва ёпиқ горизонтал зовурлар лойиҳасини тузиш ва шундай зовурларни қуриш соҳасида тўпланган тажрибадан, шунингдек Ватанимиздаги ва чет эллардаги техника янгиликларининг ҳаммасидан кенг фойдаланиш керак.

Зовур-коллектор системаларини ишлатишни ҳам яхшилаш жуда муҳим. Республика Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги ёпиқ горизонтал ва вертикал зовурлардан фойдаланиш мураккаб иш эканлигини ҳисобга олиши зарур. Шу сабабли бундай зовурларни ишлатувчи ходимлар орасида малакали механиклар, ремонт усталари, мотористлар ва бошқа мутахассислар бўлиши керак.

Ерларнинг унумдорлигини ошириш чораларини кўриб чиққанимизда тупроқларни сув ювиб кетиши ва шамол пуратишига (эрозияга) қарши кураш сингари муҳим масалани ҳам унутмаслик керак. Кейинги вақтларгача бу ишга бизда етарли аҳамият берилмади. Ваҳолонки, республикадаги жамики майдонларнинг ярмисида ернинг унумдор қатламини озми-кўпми сув ювиб кетмоқда ва шамол нуратиб юбормоқда.

Илмий тадқиқот ташкилотлари, Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва сув хўжалиги министрликлари, Ўрмон хўжалиги давлат комитети тупроқ эрозиясига қарши кураш воситаларини топиб ва айрим районларнинг хусусиятларини ҳисобга олиб, бу воситаларни кенг қўлланишлари зарур.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш — катта аҳамиятга эга ишдир. Биз бу ишга доимий эътибор беришга мажбурмиз.

Янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш

Янги ерларни суғоришни ва ўзлаштиришни янада ривожлантириш пахтачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини юксалтириш учун жуда катта аҳамиятга эга.. Ерларни нечоғлиқ кўп ўзлаштирсак ва шу ерларни ирригация-мелиоратив жиҳатдан нечоғлик яхши тайёрлаб қўйсак, бизнинг экин майдонларимиз шу қадар кўпроқ кенгаяди, демак, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ҳам шу қадар кўпаяверади.

Янги ўзлаштирилган ерлар қўшимча равишда олинаётган юз ва минг тонналаб пахта, шоли, сабзавот, қовун-тарвуз, мева ва узум демакдир. Янги ерлар — колхозлар ва совхозлар бойлигини ўстириш манбаидир. Янги ерларни ўзлаштириш — қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўлларидан биридир, мамлакатдаги ишлаб чиқарувчи кучларни мустаҳкамлашнинг, коммунизмнинг моддий техника базасини вужудга келтириш суръатларини жадаллаштиришнинг ишончли йўлидир.

КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми суғориладиган ер майдонларини кенгайтиришни биринчи даражадаги вазифа деб белгилади. Шу билан бирга Пленум суғориладиган деҳқончиликни ривожлантириш пахта етиштиришни тобора кўп миқдорда ошириш учун жуда муҳим аҳамиятга эга, деб таъкидлади.

Ўзбекистон партия ташкилоти кўриқ ерларни суғориш ва ўзлаштиришга доим жуда катта эътибор бериб келди ва ҳозир ҳам шундай эътибор бермоқда. Шуни айтиш керакки, биз бу муҳим ишда анча муваффақиятларга эришдик. Ўтган етти йилликда республикада суғориладиган 372 минг гектар янги ерлар ирригация жиҳатидан тайёрланди. Бир қанча йирик сув омборлари ва суғориш каналларининг қурилганлиги, уларнинг ҳажми ва сув ўтказиш қобилиятининг кенгайтирилганлиги бунга жуда катта ёрдам берди.

Мирзачўлни ўзлаштириш соҳасида айниқса катта муваффақиятлар қўлга киритилди. Илгари дашт-биёбонлардан иборат бўлган кенг массивлар кейинги йилларда яшнаб турган воҳаларга айлантирилди. Бу воҳалар ҳозирнинг ўзидаёқ Ватанга пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бермоқда.

Мирзачўл суғориладиган деҳқончилик юксак маданиятининг намунасини кўрсатмоқда. У илғор тажрибанинг яхши мактаби бўлиб қолди. Бу ерда суғориладиган деҳқончилик тараққиётининг тарихида биринчи марта фан ва техниканинг замонавий ютуқларидан фойдаланиш асосида ирригация-мелиорация системалари комплекс қурилиши амалга оширилмоқда ва янги ерлардаги катта массивлар хўжалик учун ўзлаштирилмоқда.

Мирзачўлда катта каналлар, темир-бетон новлар ва ёпиқ қувурлардан иборат замонавий суғориш шохобчаси. ёпиқ горизонтал ва вертикал зовурлар қурилди. Бу ерда қудратли ишлаб чиқариш-техника базаси вужудга келтирилди ва бу база тез ривожланмоқда, автомобиль йўлларининг кенг шохобчалари пайдо бўлди, темир йўл магистраллари, электр линиялари, алоқа линиялари, водопровод ва газопровод қурилди, шинам уй-жойлари, мактаб, касалхона, болалар муассасалари, клублари, савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат корхоналари бўлган замонавий посёлкалар қад кўтарган йирик юксак даражада механизациялаштирилган совхозлар вужудга келтирилди.

Мирзачўл учун характерли нарса шуки, катта ер массивларини ўзлаштириш ва суғориш соҳасидаги ишлари ташкил этишда қўйидаги асосий принципларга — комплекс планлаштириш, лойиҳалаш ва қурилиш, барча қурилиш ишларини индустриалштириш, қурилиш давомида янги ерларни ўзлаштириш, бу ерларни ва уларда вужудга келтирилган хўжаликларни тугал ҳолида доимо фойдаланиш учун топшириш, ерларни ирригация-мелиорация жиҳатидан тайёрлаш ва уларни хўжалик учун ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган ишларнинг бутун комплексини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга жавоб берадиган ягона қурилиш ташкилотини тузиш принципларига қаттиқ риоя қилинмоқда. Шу принципларнинг ҳаммасига риоя қилиш яхши натижа бермоқда.

Л. И. Брежнев ва А. Н. Косигин яқинда Мирзачўлга келиб кетишди. Улар далаларни, совхоз посёлкаларини кўздан кечирдилар, Мирзачўлдаги бинокорларнинг иш практикаси билан ва янги ерларни ўзлаштирувчилар билан танишдилар. Партия ва ҳукумат раҳбарлари қўриқ ерларни ўзлаштирувчи қаҳрамонларнинг меҳнатига юксак баҳо беришди.

«Голодностепстрой» коллективлари ана шу юксак баҳо билан қақли суратда фахрлана оладилар. Мирзачўлдаги қўриқ ерларда йирик пахтачилик районини вужудга келтиришда уларнинг хизмати катта. Улар барча энг муҳим кўрсаткичлар бўйича планларини муваффақиятли суратда тўла ва ошириб бажармоқдалар ва бир неча марта СССР Министрлар Совети ҳамда ВЦСПСнинг кўчма Қизил байроғини олдилар.

Янги ерларни ўзлаштиришдаги комплекс қурилиш усули республиканинг бошқа областларида ҳам татбиқ этилмоқда, албатта. Аммо бу иш Мирзачўлда анча катта миқёсларда, чуқур ўйлаб, ўйлаб ва юксак даражада механизациялаштирилган совхозлар вужудга келтирилди.

Мирзачўлликлар ҳам ўз ишларини такомиллаштиришлари, бу ишнинг натижаларига танқидий баҳо беришлари лозим. Уларнинг фаолиятида хали жиддий камчиликлар бор.

«Голодностепстрой» янги совхозларни доимий фойдаланиш учун Қишлоқ хўжалик министрлиги органларига топшириш учун тайёрлаш ишларини кечиктириб юбормоқда. Бу ерда ерларни ирригация-мелиорация жиҳатидан тайёрлаш ишларининг бутун комплекси ҳамиша ҳам тўла равишда амалга оширилмоқда деб бўлмайди, қурилиш ишларининг сифатини ҳам яхшилаш керак.

«Средазирсовхозстрой» ва «Голодностепстрой» совхозларда мелиорация ишлари ва бошқа ишларнинг бутун хажмини яқин икки йил ичида бажариш, совхозларга биркитиб берилган ерларнинг ҳаммасини қишлоқ хўжалиги учун ўзлаштириш мақсадида бутун шарт-шароитни вужудга келтириш йўлида энг қатъий чораларни кўришлари зарур. Ерларни ўзлаштириш соҳасидаги ишларни бундан буён шу даражада олиб бориш керакки, хайдаладиган ерлар сифатининг ёмонланиши ва бу ерларнинг қишлоқ хўжалик оборотидан чиқиб кетишига асло йўл қўйилмасин.

Шу беш йилликда қўриқ ва партов ерларни тобора ўзлаштириш юзасидан катта-катта вазифаларни ҳал этмоғимиз керак. **Партия XXIII съездининг беш йиллик план ҳақидаги Директиваларни Ўзбекистонда 500 минг гектар янги суғориладиган ерларни фойдаланишга топширишни кўзда тутади.** Бу — ўтган беш йил ичида ўзлаштирилган ер миқдоридан қарийб икки баравар ортиқдир.

Мирзачўл, Қарши ва Шеробод даштларида, Марказий Фарғонада ва Амударё этакларида янги ерларни ўзлаштириш соҳасидаги ишлар айниқса кенгайтирилиб юборилади. Ана шу катта массивларнинг ҳар бири республикамиз учун жуда катта аҳамиятга эга. Булар беша қардош биродарлардир. Улар бир-биридан кейинда қолмай, бир сафда боришлари керак.

Мирзачўл массиви шу биродарлар орасида етакчи ўрин олади. Мирзачўлда 170 минг гектар янги ерни суғориш мўлжалланган.

Қарши даштида кучли насос станцияларининг ёрдами билан ишлайдиган йирик машина канали, бир қанча оқава ариқлар ва коллекторлар қурилади. Бу чора беш йилликда 50 минг гектар ерни ўзлаштириш имконини беради. Шундай қилиб, бу ерда пахтачиликнинг янги йирик районини вужудга келтириш учун мустаҳкам асос яратилади.

Марказий Фарғонада кенг кўламдаги ишларни бажариш керак бўлади. Марказий Фарғонада 40 минг гектар янги ерларни ўзлаштириш соҳасидаги иш давом эттирилади.

Шеробод даштидаги ишлар тобора тез суръатлар билан давом эттирилади. Шеробод даштида 25 минг гектар янги ерни ўзлаштириш мўлжалланган.

Амударё этакларида 55 минг гектарга яқин янги ерларни суғориш тугалланади. Бу чора Қорақалпоғистонда шоликорликнинг йирик базасини вужудга келтириш ва пахта майдонларини кенгайтириш имконини беради.

Ана шу беш зонанинг ҳаммасида янги ерлар асосан йирик совхозларни ташкил этиш йўли билан ўзлаштирилади. Бу совхозларни ташкил этиш жараёнида Мирзачўлни ўзлаштирувчилар тўпланган яхши тажрибаларнинг ҳаммасидан кенг фойдаланиш лозим.

Республиканинг бошқа районларида ҳам янги ерларни ўзлаштириш соҳасида анча кўп иш қилинади. Масалан, Зарафшон водийсида Аму—Бухоро ва Аму-Қорақўл каналлари қуриб битказилиши, шунингдек Каттақўрғон сув омборининг ҳажми оширилиши муносабати билан беш йилликда суғориладиган ер майдони қариб 42 минг гектар кўпаяди. Тошкент областида қурилаётган Чорвоқ ва Оҳангарон сув омбори базасида 42 минг гектардан ортиқ ерни суғориш ва ўзлаштириш мўлжалланди. Сурхондарё областида Шеробод даштини ўзлаштириш билан бир қаторда Занг канали ва Қоратоғ — Тўпаланг канали хавзаларида кенг массивларга сув чиқарилди. Қашқадарё областининг эски зонасида 15 минг гектар ерлари ўзлаштириш ишлари давомида янги ерларни ўзлаштириш, бу ерларни ва уларда вужудга келтирилган хўжаликларни тугал ҳолида доимо фойдаланиш учун топшириш, ерларни ирригация-мелиорация жиҳатидан тайёрлаш ва уларни хўжалик учун ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган ишларнинг бутун комплексини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга жавоб берадиган ягона қурилиш ташкилотини тузиш принципларига қаттиқ риоя қилинмоқда. Шу принципларнинг ҳаммасига риоя қилиш яхши натижа бермоқда.

Л. И. Брежнев ва А. Н. Косигин яқинда Мирзачўлга келиб кетишди. Улар далаларни, совхоз посёлкаларини кўздан кечирдилар, Мирзачўлдаги бинокорларнинг иш практикаси билан ва янги ерларни ўзлаштирувчилар билан танишдилар. Партия ва ҳукумат раҳбарлари қўриқ ерларни ўзлаштирувчи қаҳрамонларнинг меҳнатига юксак баҳо беришди.

«Голодностепстрой» коллективлари ана шу юксак баҳо билан қақли суратда фахрлана оладилар. Мирзачўлдаги қўриқ ерларда йирик пахтачилик районини вужудга келтиришда уларнинг хизмати катта. Улар барча энг муҳим кўрсаткичлар бўйича планларини муваффақиятли суратда тўла ва ошириб бажармоқдалар ва бир неча марта СССР Министрлар Совети ҳамда ВЦСПСнинг кўчма Қизил байроғини олдилар.

Янги ерларни ўзлаштиришдаги комплекс қурилиш усули республиканинг бошқа областларида ҳам татбиқ этилмоқда, албатта. Аммо бу иш Мирзачўлда анча катта миқёсларда, чуқур ўйлаб, ўйлаб ва юксак даражада механизациялаштирилган совхозлар вужудга келтирилди.

Мирзачўл учун характерли нарса шуки, катта ер массивларини ўзлаштириш ва суғориш соҳасидаги ишлари ташкил этишда қўйидаги асосий принципларга — комплекс планлаштириш, лойиҳалаш ва қурилиш, барча қурилиш ишларини индустриалштириш, қурилиш давомида янги ерларни ўзлаштириш, бу ерларни ва уларда вужудга келтирилган хўжаликларни тугал ҳолида доимо фойдаланиш учун топшириш, ерларни ирригация-мелиорация жиҳатидан тайёрлаш ва уларни хўжалик учун ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган ишларнинг бутун комплексини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга жавоб берадиган ягона қурилиш ташкилотини тузиш принципларига қаттиқ риоя қилинмоқда. Шу принципларнинг ҳаммасига риоя қилиш яхши натижа бермоқда.

Л. И. Брежнев ва А. Н. Косигин яқинда Мирзачўлга келиб кетишди. Улар далаларни, совхоз посёлкаларини кўздан кечирдилар, Мирзачўлдаги бинокорларнинг иш практикаси билан ва янги ерларни ўзлаштирувчилар билан танишдилар. Партия ва ҳукумат раҳбарлари қўриқ ерларни ўзлаштирувчи қаҳрамонларнинг меҳнатига юксак баҳо беришди.

«Голодностепстрой» коллективлари ана шу юксак баҳо билан қақли суратда фахрлана оладилар. Мирзачўлдаги қўриқ ерларда йирик пахтачилик районини вужудга келтиришда уларнинг хизмати катта. Улар барча энг муҳим кўрсаткичлар бўйича планларини муваффақиятли суратда тўла ва ошириб бажармоқдалар ва бир неча марта СССР Министрлар Совети ҳамда ВЦСПСнинг кўчма Қизил байроғини олдилар.

Янги ерларни ўзлаштиришдаги комплекс қурилиш усули республиканинг бошқа областларида ҳам татбиқ этилмоқда, албатта. Аммо бу иш Мирзачўлда анча катта миқёсларда, чуқур ўйлаб, ўйлаб ва юксак даражада механизациялаштирилган совхозлар вужудга келтирилди.

Мирзачўл учун характерли нарса шуки, катта ер массивларини ўзлаштириш ва суғориш соҳасидаги ишлари ташкил этишда қўйидаги асосий принципларга — комплекс планла

Ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВ докладининг охири

(Боши 2 ва 3-бетларда).

кум барҳанларини текисламоқдалар ва ҳоказо. Вахолонки, аниқ ҳисобларга қараганда, Тўрткўл районида илгари суғориш шохобчаларидан сув олган ва экин экилган 1342 гектар, Беруний районида 3671 гектар, Амударё районида 3660 гектар ердан фойдаланилмаётир. Ҳатто бутун республикага донги кетган, пахтадан мўл ҳосил етиштирувчи моҳир тажрибакор ва колхоз ишлаб чиқаришининг яхши ташкилотчиси Абажон Дурдиев раис бўлиб ишлаётган М. Горький номли колхозда ҳам 129 гектар ердан фойдаланилмаётир.

Қорақалпоғистон ўлаҳа партия комитети ва Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ана шу камчиликларни йўқотиш ва суғориладиган ерлардан фойдаланишда тартиб ўрнатиш учун қатъий чоралари кўришлари лозим. Қишлоқ хўжалигига яроқли ҳар гектар ердан у бера оладиган даражада кўп ҳосил олишга эришмоқ зарур.

Фарғона ва Андижон ўлаҳаларида ҳам ердан фойдаланишда кўп камчиликлар бор. Бу ўлаҳаларда талайгина майдонларнинг қишлоқ хўжалик оборотидан чиқиб қолишига йўл қўйилмоқда. Ахир бу ўлаҳаларда ишчи кучлар жуда кўпку. Уларда суғориладиган ернинг ҳар гектаридан энг самарали фойдаланиш учун барча имкониятлар мавжуд.

Шуни айтиш керакки, бу ўлаҳаларда кўп хўжаликлар мана шу имкониятлардан моҳирлик билан фойдаланмоқдалар. Масалан, Ленинск районидаги «Правда Востока» колхози, Поп районидаги Ленин номли колхоз ўз кучлари билан ернинг ҳар қаричини ҳам яхши ўзлаштирмоқдалар.

Айни вақтда Олти ариқ районидаги Энгельс номли колхоз, Охунбобоев районидаги «Ленинобод» колхози, Қува районидаги Киров номли колхоз ва бошқа колхозлар хўжасизликка йўл қўймоқдалар, мавжуд партов ерларни қишлоқ хўжалик оборотига тортиш чораларини кўрмаётирлар.

Тошкент, Самарқанд ва Қашқадарё ўлаҳаларида ҳам суғориш шохобчалари бўлган ва фойдаланилмаётган ерлар бор.

Мен Хоразм ўлаҳасида ернинг мелиорация ҳолатини яхшилаш соҳасида ўрнак бўладиган иш тажрибаси ҳақида гапириб ўтдим. Хоразм пахтакорлари тупроқнинг унумдорлигини ва деҳқончиликнинг маданиятини ошириш учун кўп иш қилдилар. Аммо бу ўлаҳада ҳам суғориладиган ерлардан фойдаланиш ва экин майдонларни ҳисобга олишда жиддий камчиликлар бор. Область ташкилотларининг маълумотларига қараганда, Хоразм областининг колхозлари еттн йил ичида 20 минг гектардан ортиқ партов ва янги ерларни ўзлаштирганлар, ҳайдаладиган ер миқдори эса шу давр ичида кам деганда 2 минг гектар ортган. Хўш, бошқа ерлар қаерда қолди? Бу саволга ўлаҳада ҳеч ким жавоб бера олмайди.

Маълумки, кейинги йилларда Хоразм областида коллекторлар, магистрал йўллар, колхоз посёлкалари ва шу сингариларни қуриш учун кўп ер банд қилиб қўйилди. Шу билан бирга текшириш натижасида аниқланишича, кўп колхозларда ер фондидаги ўзгаришлар кўп йиллар мобайнида ер ҳақидаги шнурланган дафтарларга ёзилмаган. Шу сабабли кўп колхозларда ернинг аниқ ҳисоби йўқ.

Равшанки, бундай ҳолга тоқат қилиб бўлмайди. Хоразм область партия комитети, область ижроия комитети ҳар бир колхозда ерни ҳисобга олиш ва ундан фойдаланиш масаласини пухта ўйлаб кўришлари керак. Қишлоқ хўжалик министрлиги ва статистика органлари бу ишда уларга жиддий ёрдам беришлари лозим.

Биз ердан фойдаланишдаги камчиликларни узил-кесил бартараф қилмоғимиз керак. Ирригация жиҳатидан тайёрланган ерларнинг ҳаммасини яқин икки, уч йил ичида халқ хўжалигига хизмат қилдиришимиз ва қишлоқ оборотидан чиқиб қолган ҳамда суғориладиган, ҳайдаладиган ерларни тиклаш чораларини кўришимиз лозим.

Суғориладиган ерларнинг ҳар гектаридан энг кўп маҳсулот олишга эришиш жуда муҳимдир. Бунинг учун бизда фойдаланилмаётган резервлар жуда кўп.

Кўпгина илғор колхоз ва совхозлар партов ерларни ўзлаштириш, далаларнинг мелиорация ҳолатини яхшилаш, сувдан моҳирлик билан фойдаланиш ва илғор агротехникани тўғри қўлланиш натижасида мўл ҳосил етиштиришга, хўжалик фаолиятининг иқтисодий кўрсаткичларини кескин суратда яхшилашга муваффақ бўлмоқдалар. Бир неча мисол келтириб ўтамиз.

Денов районидаги «8 Март» номли колхоз 1964 йилда гектар бошига 38,3 центнер пахта олди. 1965 йилда эса фойдаланилмаётган ерлар ҳисобига суғориладиган майдонларни 1150 гектардан 1280 гектаргача кенгайтириб, ҳар гектардан олинган ҳосилни 40,5 центнерга етказишга муваффақ бўлди. Янги ариқ районидаги Октябрь 40 йиллиги номли колхоз яна 40 гектар партов ерни ўзлаштириш йўли билан пахта майдонини кенгайтириб, 1965 йилда гектар бошига 42,9 центнердан ҳосил олди. Жиззах районидаги «Москва» колхозида партов ерларнинг ҳаммаси ўзлаштирилди, пахта майдонлари 2650 гектарга етказилди, 1965 йилда гектар бошига 36,1 центнердан ҳосил етиштирилди.

Шу билан бирга кўп хўжаликлар қарийб бир хил шарт-шароитларда бўлсалар ҳам уларнинг кўрсаткичлари хилма-хилдир.

Жойлардаги аҳволни ўрганиш шуни кўрсатадики, суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиб, бу ерларга ихтиёт билан муносабатда бўлиш кўпгина область ва район ташкилотлари, колхоз ва совхозлар раҳбарларининг диққат марказида турмаяпти.

Халқ контроли комитети томонидан ўтказилган текшириш натижаларига қараганда 1965 йилда Самарқанд областида жамоатчиликка қарашли бир минг гектардан ортиқ суғориладиган ер ишчилар ва хизматчиларнинг шахсий хўжаликлари учун нормадан ортик миқдорда ажратиб берилган. Булунғур районида 200 гектар, Нарпай районида 175, Ургут районида 131, Самарқанд районида 105 гектар ер талон-торож қилинган. Далаларнинг экин экилмай қолган четлари, бурчаклари, ўқариқлардан тўла истифода қилинмаганлиги орқасида Иштихон районида 373 гектар, Пастдарғом районида 277, Хатирчи районида 230, Каттақўрғон районида 175, Пойариқ районида 171 гектар суғориладиган ерлардан фойдаланилмаган.

Бизда бинолар қуриш ва бошқа эҳтиёжлар учун экинзорларни ажратиб беришда жуда катта исроф гарчиликка ҳали ҳам йўл қўйилмоқда. Бунинг натижасида жуда керакли суғориладиган ерларнинг талайгина қисми қишлоқ хўжалик оборотидан чиқиб қолмоқда. Кейинги етти йил ичида саноат иншоотлари қуриш учунгина 19,3 минг гектар ер ажратиб берилган. Бу билан бирга қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши учун унча яроқли бўлмаган ерлар бўлгани ҳолда район, область ижроия комитетлари ва Қишлоқ хўжалик министрлигининг колхоз ва совхозлардаги суғориладиган ерларни ажратиб берганликларини кўрсатадиган ҳоллар кўп учради.

Республика Министрлар Совети шу йилнинг 4 ойи ичидагина Тошкент областида 287 гектар, Хоразм областида 36, Фарғона областида 50 гектар ерни ажратиб бериш тўғрисидаги асоссиз таклифларни рад этди.

СССР Министрлар Советининг ерларни ажратиб бериш вақтида колхоз ва совхозлар фойдаланмай қолган харажатларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги ва улар учун бошқа жойда худди шундай майдонларни ўзлаштириш ҳақидаги қарори кўп ҳолларда бажарилмай қолмоқда. 1965 йилнинг бир ўзидагина иншоотлар қуриш учун суғориладиган ерлардан ажратиб берилган майдонлар эвазига Тошкент областида 563 гектар, Қашқадарё областида 508 гектар янги ер ўзлаштириш учун тайёрланмаган.

Бундай ҳолларга узил-кесил хотима бермок керак. **Суғориладиган ерларни эҳтиёт қилиш, улардан ғоят самарали фойдаланиш учун барча раҳбарларнинг жавобгарлигини ошириш зарур.**

Ўртоқ Л. И. Брежнев Марказий Комитетнинг май Пленумида ердан фойдаланиш тўғрисида қонун қабул қилишни таклиф этган эди. Ердан фойдаланиш ҳақидаги қонунни қабул қилиш ҳақидаги таклифни тамомила қўллаб-қувватлаймиз. Бизнинг шароитимизда эса сувдан фойдаланиш ҳақидаги қонунни ҳам қабул қилиш керак.

Ер-сув ресурсларини аниқ ҳисобга олмай туриб, суғориладиган ерлардан фойдаланишда тартиб ўрнатиш мумкин эмас. Бу муҳим ишда ҳали ҳам тартиб ўрнатилмаганлигини эътироф қилиш керак. Суғориладиган ерларни ҳисобга олиш ҳануз чалкашлаштириб юборилган бўлиб, бу ишнинг пухта ўйлаб тузилган методологияси йўқ.

Масалан, суғориш шохобчаси бутунлай яроқсиз бўлиб қолган майдонларни, суғориш манбаларидан ажралиб қолган ерларни суғориш шохобчаси бўлган ерлар составига қандай қилиб киритиш мумкин? Ахир, ҳар қанча галати бўлса ҳам ҳисоб (учёт)га олиш формалари ана шу майдонларни ҳам суғориш шохобчаси бўлган ерлар составига киритишни кўзда тутади-ку.

Ирригация жиҳатидан тайёрланган ерлар тушунчасига тўла аниқлик киритиш керак. Комплекс тайёрланган ерларгина шундай ерлар қаторига киритилиши лозим. Республика госплани ва Марказий статистика бошқармаси Қишлоқ хўжалик министрлиги, Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги ерларни ҳисобга олиш формаларини тез орада қайтадан кўриб чиқишлари, бу масала ҳақидаги ўз таклифларини республика ҳукуматига тақдим этишлари лозим.

Баъзи раҳбарлар хўжа кўрсинга шуҳрат қозониш пайига тушиб, ҳосилдорликни эришилган даражадан юқори қилиб кўрсатмоқ учун экинларнинг бир қисмини ҳосилдан яшириб қолаётганликлари тўтрисида ҳам гапириб ўтиш керак. Масалан, Қамаши районидаги «Фарғона» совхозида (директори С. С. Шоймардонов, партия ташкилотининг секретари Х. Норқобилов, бош агроном Р. Бозоров) 326 гектар пахта майдони ва 180 гектар полиз экинлари майдони ҳисобга кирмай қолган. Бу хўжаликнинг шўринг қурғур раҳбарлари қилмишларини яшириш учун сув етишмаётир, деб дод-вой солмоқдалар.

Бундай йўлга тушиб оладиган кишилар катта зарар етказадилар. Бундай киши партияни, давлатни алдайди ва кадрларни бузади. Давлат манфаатларига зид бўлган бундай практикани узил-кесил йўқотиш лозим. Шундай қилишда айбдор бўлган кишиларни қаттиқ жазолаш керак.

Алдамчилар ва кўз бўямачиларга раҳбар кадрларимиз сафида жой бўлиши мумкин эмас.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарорига мувофиқ, 1966—1967 йилларда ҳамма жойларда суғориладиган ерлар ва экин кетказилган ерлар бир вақт ичида инвентаризация қилинади. Шу билан бирга 1967 йил 1 январгача бўлган ҳолатига қараб суғориладиган, ернинг экини кетказадиган ва ортиқча сувни чиқариб юборадиган системалар ҳамда иншоотлар паспортлаштирилади. Статистика органларига колхоз, совхозларда ва давлатга қарашли бошқа хўжаликларда суғориладиган ва экин кетказилган ерлардан фойдаланишни, шунингдек қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ва шу ерлардан олинадиган маҳсулотнинг миқдорини 1 ноябргача бўлган ҳолатига қадар ҳар йили ҳисобга олиш таклиф этилди.

Булар ғоят муҳим тадбирлардир. Бу тадбирлар ерларни ҳисобга олишни йўлга қўйиш, улардан қишлоқ хўжалиги учун фойдаланиш юзасидан жавобгарликни оширишга ёрдам беради.

Суғориладиган ерларнинг ҳар гектаридан тўла ва ғоят самарали фойдаланиш — давлат нуқтан-назаридан жуда муҳим ишдир. Биз суғориладиган ерлардан фойдаланишда намунали, давлат тартибини ўрнатишимиз керак.

Сув хўжалигининг ишлаб чиқариш-техника базасини мустаҳкамлайлик

Ҳозирги вақтда сув хўжалиги турли-туман иншоотларнинг — тўғонлар, гидроузеллар, сув омборлари, йирик ва майда каналлар, насос станциялари, коллекторлар, зовурлар системаси ва шу сингари иншоотларнинг мураккаб комплексидан иборат. Бу хўжалик хилма-хил техника билан таъмин этилган, гидротехника иншоотларида жуда кўп миқдорда турли машина-ускуналар ишлаб турибди.

Ирригация ва мелиорацияни ривожлантириш юзасидан белгиланган программани муваффақиятли амалга ошириш манфаатлари **мавжуд суғориш-мелиорация системаларини техника жиҳатидан янада такомиллаштириши, инженерлик жиҳатидан қайта қуриши, янги сув хўжалик объектлари қурилишини кенг кўламда ва жадал суръатлар билан олиб бориши** талаб қилади. Шу билан бирга янги иншоотлар техникавий жиҳатдан юксак даражада, ватанимиз ва чет эл фани билан техникаси эришган ҳозирги муваффақиятлардан фойдаланган ҳолда барпо этилиши лозим.

Ана шу катта вазифаларни муваффақиятли ҳал этмоқ учун аввало **сув хўжалиги қурилишининг мустаҳкам ишлаб чиқариш базасини,** етарли миқдорда кучли, техника билан қуроллантирилган қурилиш ташкилотларини барпо этишимиз керак.

Сўнгги йилларда бу соҳада айниқса «Средазирсовхозстрой» ташкилотларида анчагина ишлар қилинди. Ҳозир республикада сув ҳўжалиги қурилиши билан шуғулланувчи яхши қурилиш ташкилотлари бор. Бу ташкилотлар хилма-хил техника билан қуроллантирилган. Сув хўжалигининг ишлаб чиқариш базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш соҳасида катта ишлар қилинди. Бизда қурилиш индустриясининг ва бинокорлик материаллари саноатининг бир қанча корхоналари ишлаб турибди. Машинасозлик заводлари сув хўжалигига анчагина миқдорда ирригация машина-ускуналари етказиб бермоқда.

Бироқ, шуни айтиш керакки, республикамиздаги мавжуд қурилиш базаси замонавий талабларга ҳали жавоб бераётгани йўқ. Бу база ирригация-мелиорация ишларининг жуда ўсиб кетган ҳажмини бажаришни тўла-тўкис таъминлашга қодир эмас. Бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш индустрияси корхоналарининг қувватлари, айниқса йиғма-темир бетон, металл конструкциялар ва деворбоп материаллар ишлаб чиқарувчи, ёғочни қайта ишловчи ва норуда материаллар қазиб чиқарувчи қувватлари етарли эмас. Бизда қурилиш машиналари ва механизмларини ремонт қилувчи корхоналар кам.

Бу камчиликлар сув хўжалиги қурилишига жиддий тўғаноқ бўлмоқда. Сопол ва асбоцемент қувурлар етишмаётганлиги орқасида биз ёпиқ зовур қуришни чеклаб қўйишга мажбур бўлмоқдамиз. Ремонт корхоналарининг қуввати етарли эмаслиги оқибатида қурилиш машиналари ва механизмларининг унумдорлиги пасайиб кетмоқда.

Партия билан ҳукумат сув хўжалигининг моддий-техника базасини ривожлантириш юзасидан катта-катта чораларни белгилаб бердилар. Шу мақсад учун жуда кўп маблағ ажратилмоқда, сув хўжалиги қурилиши учун турли техника ва асбоб-ускуналар етказиб бериш кескин кўпайтирилмоқда.

Сув хўжалигининг ишлаб чиқариш базасини мустаҳкамлаш юзасидан бизнинг республикамизда ҳам, хусусан янги ерлар ўзлаштирилаётган ва янги беш йиллиқда қурилаётган энг муҳим сув хўжалик объектлари кўп бўлган районларда катта-катта ишларни амалга ошириш белгиланди.

Республикада сув хўжалик ташкилотларида йиғма темир-бетон ишлаб чиқарувчи заводларнинг қуввати беш йиллик мобайнида 800 минг куб метр, норуда материаллар қазиб чиқариш қуввати эса йилига 5,7 миллион куб метр кўпайтирилади. Бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш индустриясидаги бошқа корхоналарнинг қувватлари ҳам оширилади.

Шу вақт ичида Қарши даштини ўзлаштириш учун катта ишлаб чиқариш базаси вужудга келтирилади. «Средазирсовхозстрой» Қашқадарё областида темир-бетон буюмлар заводи, бинокорлик материаллари комбинати, селикальцит заводи ва бошқа корхоналар қуради. Шу ташкилотнинг ўзи Янгиерда йирик темир-бетон буюмлари заводини ишга туширади.

Саноат қурилишининг катта ҳажмини «Узглавводстрой» бажаради. У, Қўнғиротда йирик саноат узели барпо этади, Сурхондарё областида йиғма темир-бетон заводини, Қаршида зовур қувурлари заводини, Бухорода ремонт-механика заводини қуради.

Сув хўжалиги қурилиши билан шуғулланувчи мавжуд қурилиш ташкилотларининг қувватини анча ошириш ва бир қанча янги ташкилотлар қуриш кўзда тутилмоқда.

Шу билан бирга биз бошқа министрликлар билан бошқармаларни ҳам сув хўжалиги қурилишига актив иштирок эттиришимиз лозим. Бу муҳим ишдан ҳеч ким четда туриши мумкин эмас. «Средазтрансстрой», «Узбекгидроэнергострой» трестлари, Қурилиш министрлиги, Алоқа министрлиги, Қишлоқ қурилиши министрлиги, Газ саноати, Монтаж ва махсус ишлар министрликларининг қурилиш ташкилотлари ирригация ва мелиорацияни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшишлари керак.

Бу ташкилотларнинг баъзилари ҳозир ҳам сув хўжалиги қурилиши билан шуғулланмоқда. Лекин афсуски, уларнинг иши ҳозирча кўнгилдагидек эмас, масалан, «Средазтрансстрой» ва «Узгидроэнергострой» трестлари шартномага кўра ўз зиммаларига олган мажбуриятларни ва иншоотларни ишга туширш планларини бажармаяпти.

Суғориш ва ерларнинг захини қочириш системаларини, гидротехника иншоотларини техника билан таъминлаш даражасини ошириш жуда муҳим ишдир. Суғориш техникасини узлуксиз такомиллаштира бориш зарур. Бунинг учун янги ёғир ёғдирадиган машиналар юмшоқ шлангалар, йиғма қувурлар, найчалар керак бўлади.

Шу муносабат билан республика саноат корхоналари олдига катта вазифалар қўйилади. Бизнингча, ҳар бир саноат корхонасининг коллективи ерларнинг унумдорлигини ошириш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун бошланган умумхалқ ҳаракатида ўз ўрнини топиб олиши мумкин ва лозим.

Бевосита қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги эҳтиёжлари учун техника тайёрлаб бераётган корхоналар буюмларни ўз вақтида етказиб беришни таъминлашлари ва уларнинг сифатини яхшилашлари лозим. Бошқа барча корхоналарнинг коллективлари сув хўжалигига амалий жиҳатдан қандай ёрдам бера олишларини белгилаб чиқишлари керак. Саноат корхоналари сув хўжалиги қурилишининг йирик иншоотларини ва янги совхозларни оталикка олсалар, фойдали иш бўлур эди. Бундан бизнинг ялпи ишимиз фақат наф кўради.

Сув хўжалиги қурилиши учун **лойиҳа-смета ҳужжатларини** тайёрлаш масалалари тўғрисида алоҳида гапириб ўтмоқ керак. Бу соҳа суғориладиган деҳқончиликни ривожлантиришнинг ҳозирча ечилмаган масаласи бўлиб турибди. Асосий лойиҳа институтлари — «Узгипроводхоз» ва «Средазгипроводхлопок» ҳозирнинг ўзидаёқ қурилишларга лойиҳа-смета ҳужжатларини ўз вақтида етказиб беришга улгура олмаяпти. Бу институтларнинг қувватини кўпайтириш ва лойиҳалаш ишларини яхшилаш юзасидан зарур чоралар кўрилмайдиган бўлса, эрта-индин қурилиш ишларининг ҳажми кескин ортиб кетган бир пайтда улар чинакам тўғаноққа айланиб қолиши мумкин.

Шуни айтиш керакки, бизнинг институтларимиз тайёрлаб бераётган лойиҳаларнинг сифати ҳам ҳамиша юқори даражада деб бўлмайди. «Средазгипроводхлопок», «Узгипроводхоз» ва «САОгидропроект» институтлари объектларнинг қимматини илгари тасдиқланганига қараганда ошириб юборишмоқдалар. Бу аҳвол шунинг оқибатида рўй бермоқдаки, қурилиш олиб бориладиган районларнинг гидрогеологик, сейсмологик ва топографик хусусиятлари яхши ўрганилмаяпти, лойиҳачилар лойиҳалаш нормалари ва қоидаларини, қурилиш экономикасини ва уни ташкил этишни дуруст билмайдилар.

Ҳозирги беш йилликда лойиҳалаш ишларининг ҳажми икки баравардан знёд кўпайтирилади. Лекин бундан лойиҳачиларнинг сонини ҳам, икки баравар ошириш керак экан, деган маъно мутлақо келиб чиқмайди. Лойиҳалаш-қидирув ишларини яхшироқ ташкил этиш, лойиҳа ҳужжатларининг ҳажмини оқилона қисқартириш, механизация воситалари ва ҳисоблаш техникасидан фойдаланиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини расмийлаштириш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш системасини соддалаштириш йўли билан лойиҳалаш ташкилотлари ишининг унумдорлиги ва сифатини анча ошириш мумкин.

Госплан, Госстрой, Қишлоқ хўжалиги министрлиги, Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги лойиҳалаш ишини яхшилашнинг ана шу ва бошқа муҳим масалалари юзасидан тегишли таклифлар киритишлари керак.

Энергетика ва электрлаштириш министрлиги, Геология министрлиги, Госстрой, Қишлоқ хўжалиги министрлиги, Алоқа министрлиги ва бошқа министрликлар ҳамда бошқармаларнинг лойиҳалаш ташкилотлари ишларининг йиллик планларида бундан буён сув хўжалиги ташкилотлари учун лойиҳалаш-қидириш ишларини бажариш ҳам кўзда тутиладиган бўлади. Қишлоқ хўжалиги министрлиги билан Геология министрлиги суғориш, ернинг захини қочириш ва сув чиқариш лозим бўлган районларни **беш йиллик мобайнида ерларни** суғориш ва захини қочириш юзасидан лойиҳада белгиланган ишларнинг бажарилишини таъминлайдиган ҳажмда топография ва гидрология усулида суратга олиб беришлари керак.

Сув хўжалиги қурилиши ҳажмлари тобора ортиб бораётганлиги ва иншоотларнинг техника жиҳатидан мураккаблашиб бораётганлиги **гидротехника фанига** ҳам катта талаблар қўймоқда. Илмий тадқиқотлар гидромелиоратив лойиҳалаштириш, қурилиш ва иншоотларни ишлатишнинг асосий масалаларини қамраб олиши, шу ишларни амалга ошириш учун илмий жиҳатдан асосланган кўрсатмаларни ишлаб чиқиши лозим.

Ирригация соҳасидаги асосий илмий тадқиқот институти бўлган Ўрта Осиё ирригация илмий тадқиқот институти бу ишда муҳим роль ўйнаши керак. Биз бу институтни мустаҳкамлашимиз, унинг иш савиясини оширишимиз, унинг фаолиятини ирригация ва мелиорацияни ривожлантиришнинг асосий масалаларига, биринчи навбатда республика ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратишимиз зарур.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти ҳам гидромелиорация фанини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшишга мажбур.

Бизнинг лойиҳа, қурилиш ташкилотларимиз ва ирригация системаларини ишлатувчи ходимларимиз республика илмий муассасаларидан ўзларининг амалий ишлари учун илмий асосланган таклифлар беришни, гидротехника ва мелиорация соҳасида ўзимизда ва чет элларда тўпланган катта тажрибани умумлаштириб беришни кутмоқдалар.

Сув хўжалигининг ишлаб чиқариш-техника базасини мустаҳкамлаш — бизнинг муҳим вазифамиздир. Бинобарин, биз бу вазифани ҳар қандай қилиб бўлса ҳам ҳал қилишимиз лозим.

Сув хўжалигига раҳбарлик савиясини оширайлик

Ўртоқлар!

КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми ерларнинг унумдорлигини оширишнинг буюк программасини белгилаб берди. Пленум қарорлари асосида республикамиз олдига жуда катта вазифалар қўйилмоқда. Ана шу вазифаларни муваффақиятли ҳал қилишни таъминламоқ учун **сув хўжалигига, ирригация ва мелиорацияни янада ривожлантиришга партия ва давлат раҳбарлигини бутун чоралар билан кучайтириш лозим.**

Партия Марказий Комитетининг Пленуми партия, совет, қишлоқ хўжалик ва сув хўжалиги органларидан деҳқончилик маданиятини кўтариш ва қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг маҳсулдорлигини ошириш учун, барча колхоз ва совхозлардаги ерларда намунали тартиб ўрнатиш учун, ҳар бир гектар ерда муттасил мўл ҳосил етиштириш учун умумхалқ курашини уюштириш ва бу курашга бошчилик қилишни талаб этди. Бизнинг бурчимиз шундан иборатки, тупроқ унумдорлигини ошириш ва қишлоқ хўжалигига яроқли барча ерлардан самарали фойдаланиш юзасидан кўриладиган конкрет тадбирлар планини ишлаб чиқишда ҳар бир район, ҳар бир хўжаликка амалий ёрдам беришимиз керак.

Республика партия ташкилотлари сув хўжалиги қурилишига раҳбарлик қилиш соҳасида бир талай тажриба орттирган. Чунончи, КПСС XXIII съезди номли Аму-Бухоро машина-канали қурилишини ташкил этиш ишида кўпгина ибратли тажриба ҳосил қилинди. Бу қурилишда ташкилотчилик ва снёсий ишларни конкрет ва собит қадамлилик билан олиб бориш маҳорати амалда намоён бўлди.

Канал қурилиши бошлаб юборилаётган вақтда партия хўжалик активининг йиғилиши чақирилиб, қурилиш ишларини ташкил этиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Партия ташкилоти канал қурилишига турли министрликларнинг жуда кўп қурилиш-монтаж ташкилотларини, қишлоқ меҳнаткашлари кенг оммасини жалб этди. Қурилиш чинакам умумхалқ ишига айланиб кетди — бу ерда ҳар куни икки мингдан ортиқ колхозчи ишлади.

Қурилиш давом этаётган вақтда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Бухоро область партия комитети ишлар қандай бораётганлигини бир неча бор муҳокама қилди ва қурилиш ишларини жадаллаштириш юзасидан оператив чоралар кўрди. Бошланғич партия ташкилоти қурувчилар ўртасидаги оммавий социалистик мусобақанинг ташкилотчилари бўлдилар.

Партия ташкилотлари олиб борган зўр ташкилотчилик ва снёсий иш муваффақиятни таъминлаб берди. Нодир гидротехника иншоотлари бўлган Аму-Бухоро канали белгиланган муддатдан бир ярим йил барвақт — икки ярим йил ичида қуриб битказилди.

Каналларга бетон ётқизиш соҳасида айниқса Андижон, Сурхондарё, Қашқадарё ва Фарғона областларида ишларни ташкил этиш практикасида ҳам кўпгина фойдали сабоқ чиқариб олиш мумкин.

Аму-Бухоро машина канали қурилишига ва каналларга бетон қоплашга раҳбарлик қилиш тажрибасини кенг кўламда оммалаштирса арзийди. Барча қурилишларда шу тажрибадан фойдаланмоқ керак.

Ирригация-мелиорация ишларининг катта программаси муваффақиятли амалга оширилишини таъминламоқ учун барча сув хўжалиги ташкилотларини малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш, улар билан ишлашни яхшилаш жуда муҳимдир.

Шуни айтиш керакки, сўнгги йилларда республикада бу соҳада катта иш қилинди. Сув хўжалиги системасида ва унга хизмат қилувчи ташкилотларда ҳозир уч мингдан ортиқ инженер, беш мингга яқин техник, жуда кўп агроном ва бошқа мутахассислар ишлаб турибди.

Бироқ, сув хўжалиги ривожининг ҳозирги даражаси шароитида ҳам бу кадрлар етарли эмас. Келгусида эса, сув хўжалиги қурилиши ҳажми кескин кўпайиши муносабати билан гидромелиорация системаларини лойиҳаловчи қурувчи ва ишлатувчи мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёж тағин ҳам кўпроқ ошади. Шуни айтиш кифоя қиладики, беш йилликнинг охирига борганда республикага сув хўжалиги учун ўн мингдан ортиқ инженер, 15 минга яқин техник керак бўлади.

Партия билан ҳукумат сув хўжалиги мутахассисларини тайёрлашни кучайтириш юзасидан бир қанча чоралари белгиладилар. Бу чоралар КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг қарорида баён этилган. Гидромелиорация ўқув юртлари тармоғини кенгайтириш ва уларнинг таълим-моддий базасини мустаҳкамлаш, уларга ўқувчилар қабул қилишни кўпайтириш, инженерлар, техниклар, агрономлар, тупроқшунослар, яйловшунослар ва шу сингари бошқа мутахассисларни қайта тайёрлашни уюштириш кўзда тутилмоқда.

Биз, аввало, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашимиз, унда ўқувчи студентларни кўпайтиришимиз лозим. Бошқа олий ва ўрта қишлоқ хўжалик ўқув юртларига ҳам ўқувчилар қабул қилишни кўпайтириш, республикада янги сув хўжалиги инженерлари институти, бир неча гидромелиорация техникуми ва профессионал-техника билим юрти ташкил этиш керак.

Шу билан бирга сув хўжалигида ишловчи кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш соҳасидаги ишларни муттасил яхшилаб бориш, оммавий касбдаги ходимларни айниқса сувчилар, ёмғирлатиш машиналарининг машинистларини тайёрлашга кўпроқ эътибор бериш зарур. **Сувчининг ролини кўтариш, сувчининг механизатор билан бир қаторда суғориладиган деҳқончиликда асосий фигура бўлиб қолишига эришиш керак.**

Сув хўжалиги қурилишини планлаштиришни жиддий равишда яхшилаш лозим. Бу ишда кўпгина камчилик ва нуқсонлар бор. Халқ хўжалик планларида ирригация-мелиорация системалари қурилишига ҳам, шунингдек янги ерларни хўжалик жиҳатидан ўзлаштиришга капитал маблағлар, моддий-техника ресурсларини комплекс равишда ажратиб бериладиган бўлишига биз ҳали эришганимиз йўқ. Кўпинча шундай бўладики, сув хўжалиги қурилишига етарли миқдорда пул ажратиб берилади-ю, лекин инженерлик коммуникациялари, электр линиялари, йўллар, қурилиш базалари, уй-жой бинолари ва маданий-маиший объектлар қурилишига етарли миқдорда маблағ берилмайди. Госплан, республика Қишлоқ хўжалиги министрлиги, Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги бу аҳволни тузатишлари керак.

Партия комитетлари **ижрони кун сайин контроль қилиб туришни ва қўйилган, сув хўжалиги қурилиши программасининг бажарилиши учун раҳбар кадрларнинг масъулиятини оширсинлар, барча бўғинларда партия ва давлат интизомига риоя қилишнигка қунт билан эришсинлар.** Айрим раҳбарларнинг юқори органлар қарорларини бажаришга масъулиятсизлик билан қарашига ва қарорларни бажариш учун ўз вақтида чоралар кўрмаслигига муросасозлик билан қараш ярамайди. Афсуски, бундай фактлар бизда бор.

Яқинда биз Тахиатош гидроузели қурилишида партия-хўжалик активининг йиғилишини ўтказдик. Йиғилишга тайёргарлик кўриш вақтида шу нарса маълум бўлиб қолдики, республика министрликлари ва бошқармалари гидроузел қурилишини жадаллаштиришнинг баъзи бир муҳим масалаларини ҳал қилиб бермаганлар, шунинг оқибатида ишларнинг айрим турларини бажариш пайсалга солинган. Ҳолбуки, шу масалаларнинг ҳаммаси Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан республика Министрлар Советининг тегишли ташкилотлар раҳбарлари билан келишган ҳолда ишлаб чиқилган қарорида назарда тутилган эди. Камчиликларни тугатиш чораларини ўша жойнинг ўзида кўрмоқ учун кўпгина министрликлар ва идораларнинг раҳбарларини Қорақалпоғистонга таклиф этишга тўғри келди.

Бундай чораларни шу раҳбарларнинг ўзлари нима учун кўрмадилар? Нега улар қурилиш муддатларини барбод қилмоқдалар? Бу ҳол интизомсизлик ва масъулиятсизликнинг кўриниши эмасми, ахир?

Ирригация-мелиорация системаларини ишлатишда ниҳоятда қатъий интизом ўрнатмоқ керак. Бу ишдаги интизомсизлик жуда катта зарар келтириши мумкин. Шу сабабли сув хўжалигида ўрнатилган қоидаларни бузувчиларни, суғориладиган деҳқончиликка зарар етказувчи кишиларни қатъият билан тартибга чақирмоқ керак.

Топширилган иш учун юксак масъулият, ҳамма ишда қаттиқ талабчанлик, интизомлилик ва камарбасталик ҳар бир партия ташкилоти, ҳар бир раҳбар, ҳар бир ходим фаолиятининг мажбурий қонуни бўлиб қолмоғи керак.

Ирригация-мелиорация қурилиши учун яхши машина ва ускуналарни ўз вақтида етказиб бериш ишида саноат корхоналари раҳбарларининг масъулиятини ошириш лозим. Сув хўжалиги ташкилотларини, колхоз ва совхозларни зарур техника билан таъминлаш — саноат ходимларининг шон-шараф ишидир. Завод коллективлари қишлоқларнинг бўюртмаларини ўз муддатида ва бекаму-кўст бажариб беришлари керак.

Ирригация-мелиорация ишлари сифатини ошириш муҳим проблемадир. Бизда лойиҳалаш ишида ҳам, қурилишда ҳам, гидротехника иншоотларини ишлатишда ҳам бракка йўл қўйилмоқда. Партия ташкилотлари бракчиларга қарши кескин кураш олиб боришлари, барча ишларнинг юқори сифатли бўлишига қунт билан эришишлари лозим.

Меҳнатни ташкил этиш, нормалаш ва меҳнатга ҳақ тўлашни яхшилаш сув хўжалиги қурилиши вазифаларини муваффақиятли ҳал этишнинг энг зарур шартидир. Партия ташкилотлари бу ишда пухта тартиб ўрнатишлари керак. Ирригация, мелиорация ишларини жадаллаштиришдан ва бу ишларнинг сифатини яхшилашдан, одамларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш учун иқтисодий воситалардан тўлиқроқ фойдаланиш зарур.

Марказий Комитетнинг май Пленумида бевосита мелиорация ишларида ва сув хўжалиги ташкилотларида ишловчи мутахассислар, малакали ишчилар ва механизаторларни қўшимча равишда моддий рағбатлантириш чораларини ишлаб чиқиш зарурлиги тўғрисидаги таклиф ўртага қўйилган эди. Бундай чоралар кўриш вақти келди ва улар КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети яқинда қабул қилган

ВАТАНДОШЛАРИМГА ТАСАЛЛИ

Ғафур ҒУЛОМ
Ўзбекистон халқ шоири

◆ ◆

Баъзи мунажжим олимларнинг фикрича, Қуёш системасига қарашли планеталардан Миррих — қари, Ер — ўрта ёш, Зуҳро — ёш сайёра эмиш. Марс чарчаган, унда ҳаёт йўқ даражасида, сув ва кислород ғоятда оз, ошини ошаган, ёшини яшаган бўлиб, Ерда эса тирик жонлар (ўсимликлар ҳам шуларга киради) яшамоғи учун бутун имкониятлар мавжуд, қирқ ёшида қирчиллаган йигитдай барқ уриб турган ўз эрасида яшаётибди. Венера — Зуҳро эса ҳали ҳарорат 400 даражадан пастга тушмаган, кўп моддалар эриган ёки буғ ҳолида, ёппаси вулқонлар пишқириб турган, демак, ҳаёт ҳали бошланмаган бир даврини кечириб турар экан. Бу хабарларни бизга Марс ва Венерага томон учирилган Совет ва Америка космик ракеталари етказиб берди.

Шундан қиёс қилиб айтиш мумкинки, бизнинг Еримиз ҳам миллиард йиллар илгари Зуҳро ҳолатида бўлган ва миллиард йиллар сўнг қариб, Марс аҳволига келади. Демак, Еримиз данаги — ядросидаги тамоман эриган ҳолатдаги магмаларда тинчлик барқарор эмас. Ер қаъридаги бу улуғ қудрат баъзан катта вулқонлар шаклида, янги тоғлар вужудга келиши шаклида, ер қобиғининг ҳалидан-ҳали қабариб, тўлқинланиб туриши натижасидаги турли-туман катта-кичик зилзилалар шаклида намоён бўлиб турар экан. Ер қаъри ҳали тинчиган эмас. Бунга миллиард йиллар керак экан. Тинчиса ерда ҳаёт тугар экан. Атмосферанинг иссиқ-совуқ, шамол-бўронлардан иборат ғоят азим қучи натижасида ер устидаги ҳамма бўртмалар — тоғлар, тепаликлар увалиб кетиб, Еримиз биллиард соққасидай сип-силлиқ бўлиб қолар экан. Шунисига шукурки, бу давр келганда на сиз, на биз, на бизнинг набираларимиз, Ер юзида тирик жонлар бўлмайди. Бундан олти миллиард йил илгари ер яратилганда бирор жонли гувоҳ бўлмаганидек, унинг сўнгги кунларида ҳам жонли гувоҳ бўлмайди.

Еримизда ҳар куни деярли бирор ерда ер қимирлаб туради. Тинч ўтган кун йўқ ҳисоб. Тарихда ўз даҳшати, келтирган ҳаробаликлари ва қурбонлари билан кишиларнинг ёдидан минг йиллар мобайнида ҳам чиқмай келаётган вулқон отилишлари ва зилзилалар кўп бўлган. Чунончи, 1023 йилда Токиода бўлган зилзилада 140.000 киши ўлган. 1556 йилда Хитой зилзиласида неча юз минг одам қурбон бўлган. 1883 йилда Ява билан Суматра ороллари ўртасида вужудга келган Кракатау вулқонининг овози 3 минг километрдан эшитилиб турган, кучли денгиз вулқонидан тўлқинланган океан сувлари 36 минг кишини ювиб кетган. Вулқондан отилиб чиққан лава тўзонлари 80 километр баландликка кўтарилиб, бир неча йилларгача ҳаводан қурум кетмаган, осмон ҳамиша қон рангли шафаққа бурканиб турган. Шулар орасида Италияга қарашли Неаполь яқинидаги қадимий Помпей шаҳрининг фожиаси айниқса ўкинчлидир. Эрамизнинг 24 августа 79-йилида (бундан 1897 йил илгари) Везувия ёнар тоғи ҳаракатга келиб, дунёда бор моддаларнинг оташ эритмасини осмонга пуркай бошлади. Гарчанд даҳшатли лава оқими Помпей шаҳрини босмаган бўлса ҳам, лекин осмондан ёққан 7-9 метр қалинликдаги қайноқ кул шаҳарни босди. Каттакон, чиройли, ҳаёт қайнаб турган ҳунармандлар ва савдогарлар шаҳри бузилиб-ёрилмаган ҳолда кулга кўмилиб кетди. Сўнгги 200 йил мобайнида (1748 йилдан бошлаб) бу шаҳарни кулдан тозаламоқдалар. Мен бу музей шаҳарда 1962 йилда бўлдим. Шаҳар 2000 йил мақаддам қандай аҳволда бўлса, шу аҳволда турар эди. Кул ичида худди гипс қолипда тургандай ўша замон одамлари ва ҳайвонларининг сўнгаклари, гарчанд этлари эриб кетган бўлса ҳам, тирик вақтдаги гавда шакллари лава қулидан ясалган бу қолипларда аниқ кўриниб турарди. Бир қадимий ҳаммомга кирдик. У ерда, эр-хотин бўлса керак, шундай қолипларга ўралиб қолган экан. Эркагини «— бу қолипнинг ичида одам бўлган» дегандай, оғиз қисмини синдириб очиб кўйибдилар. Бу синиқдан навқирон бир йигитнинг садафдай тишлари кўриниб турибди. Вулқон кулидан тозаланган бу шаҳарнинг кўчаларига мармар ётқизилган экан. Мармарларда қадим замон аравасининг дўнгалак излари бор, ўша замон водопроводидан ҳали ҳам сув келиб турибди (фақат ичиш қатъиян ман қилинган). Хонадонларга кириб кўрдик. Ажойиб танобий ховлилар, нақшинигорли хоналар; меҳмонхоналарда хонадон эгаларининг тош портретлари, деворларда Искандар (Александр Македонский) замонасининг жанговар эпопеясидан лавҳалар, қатор-қатор ҳунармандлар ва савдогарларнинг дўконлари, майхоналар, маишатхоналар. Шаҳар-ку бундан 2000 йил аввал қандай бўлса, шундай турибди, аммо ўз замонасининг аҳолиси йўқ. Уларни тарих унут қилган, улар эса бу буюк фожиани унутганлар...

Энди ўз еримизда ўтган баъзи бир зилзила фожиаларини айтсам; булардан бири 1868 йилда Тошкентда воқе бўлган эди. Бу ҳам анчагина кучли, 6-7 балл даражасида бўлиб, анчагина иморатлар шикаст еган, аҳоли талайгина зарар кўрган эди. Руслларнинг Тошкентни забт этганига эндигина уч йил бўлгани учун рус ҳарбий-граждан маъмурияти ўзига тегишли биноларни қуриб ўлгурмаган эди. Туркистон ўлкасининг генерал-губернатори фон Кауфманнинг қарорғоҳи (ҳозирги Ленин майдони ўрнида) ҳам катта бризент чодирларда эди. Бу ерда Зарафшон водийсини забт этиш учун қизғин тайёргарлик кетарди. Зилзиладан қўрққан фон Кауфман шошиб чодирдан чиқмоқчи бўлганида арқонга илашиб йиқилган ва оёғини синдирган, шунинг учун Зарафшон юриши бир ярим ой кечиккан.

Ўзбекистонда бўлиб ўтган зилзиладан энг кучлиси 1902 йилдаги Андижон зилзиласидир. Шу зилзила замонасида мактаб ёшида бўлган ҳурматли кекса шоиримиз Муҳаммад Зокиржон Ҳабибий бундай дейди:

— Мен Қўқон қишлоқликман. Эрта баҳор эди. Кўчалар лой. Рўза кунлари бўлгани учун бир қисм халқ саҳарлик ошларини еб ухлаган, намозхонлар уйғоқ. Бирданига еринг тагидан кучли гулдурос овози келди. Ер икки-уч қаттиқ тебраниб, деярли бир минут ичида қишлоқ теп-текис бўлди. Чанг ҳавони тўсиб, қоронғулиқ босди. От-у-қорамоллар арқонларини узиб, ховлию-харамларга, далаларга қараб қочар эдилар. Сон-у саноқсиз итлар тинмай ҳурарди. Қишлоқнинг катта ариғи чайқалиб-чайқалиб, ўзанини ўзгартиб оқа бошлади. Қишлоқда тўртта уй қолган эди. Уларнинг ҳам деворлари тушиб, синчлари кўтарилиб турарди. Синч бўлмаган уйлар таппа-таппа босган, баъзи қўш синч, сермих уйлар бир-икки силкишда кесаклари тушиб, яна бир қаттиқ силкиганда отилган қафасдай беш-олти метрга учиб бориб, қочиб кетаётганларни босган. Бу гап динчиларга тоза ҳам бўлиб берган, «—гуноҳи кўп эди, иморат қувлаб бориб босди» деган гаплар юрган. Баъзи босган томлар тагидан тирикларнинг мадад сўраган овозлари келиб турган. Тирик қолган халқ ёрдамга келган. Бўйра, бордон, қамишлардан Тептакосой лабига каша қилиб ўлтирган. У ердан-бу ердан йиғилган дону дунлардан оқсоқолларнинг шулон қайнаттириб юртга тарқатиб турганлар. Қимирлаш бир неча кунлар давом этган. Шу қишлоқдан гўла кўтариб Андижоннинг бошқа қишлоқларини ҳам қиёс қилса мумкин...

Андижон зилзиласи тўғрисида дўстим Абдулла Қаҳҳорнинг «Тошкент жамоли» деган мақоласини ўтган ҳафта ўқидингиз. У ерда ўша замон шоирларининг шеърларидан ҳам мисоллар келтирилган. Шуни тўлдириш учун Муқимийнинг

Жон бошига зилзила қасд
айлагач,
Тарихин ақл деди (дариғ
Андижон)

деган шеърини кўрсатиш мумкин. «Дариғ Андижон» сўзидан абжад ҳисоби билан зилзила йили чиқади.

Шу йилдаги ер қимирлашнинг шиддатли кучи ва заминни силжитиш қудрати тўғрисида Хартум қишлоқлик Абдулғафури Ўзунсоқол деган шоирнинг:

Олти таноб қадрича майдону
чорбор
Ўз ўрнидин отилди, бориб
тушди кўп ёироғ

деган ваҳимали шеъри ҳам йўқ эмас.

Менинг ўша замон рус маъмуриятига туҳмат қилишга ҳақким йўқ. Зилзиладан жафо чеккан халққа қандай ва не миқдорда, нималар билан ёрдам берганлигини билмайман, ҳар ҳолда давлат, ахир, ўз фуқаросининг оғир аҳволига озми-кўп ёрдам бергандир, албатта. Аммо шунисқ маълумки, том тагида қолганларни қазиб олиш учун, яроқли иморат ускуналарини, рўзғор анжомларини, бисот-у бағални тупроқ тагидан чиқазиб олиш учун кетмон, бел сингари асбоб-ускуналар етишмас эди. Ана шунда Андижон йигитларидан асл таги тошкентлик Нуъмонжон деган киши Тошкентга келиб, етти арава кетмон, бел, майда қозон, чойнак-пиёлалар олиб бориб андижонликларга улашди. Бу одам атоқли драматургимиз Комил Яшиннинг отаси бўлади.

Яна бир кучли зилзила 1927 йили Наманганда бўлди. Хусусан 6 октябрь 1948 йилдаги Ашхобод зилзиласи бутун бир шаҳарнинг бузғунлигига сабаб бўлди, халқнинг хонавайрон қилиб кетди. Бу икки воқеа яқин ўртада ўтганлиги учун кишиларнинг эсидан чиққани йўқ, бинобарин, гапни чўзиш ҳожат эмас.

... Икки ойдан буён Тошкентда ер қимирлаб турибди. Шунисига шукурки, борган сари кучи кетиб, даҳшати пасайиб, яхши кунлар яқинлашаётганлигидан далолатлар бериб турибди. Шояд...

Бош омон бўлса, дўппи топилади. 26-апрель тонг-отари ва ундан кейинги 2-3 кучли силкинишлар натижасида рўй берган бузғунлик ва талафотлар энди такрор бўлмас.

Ҳой дўстим, яхши ҳам биз шу замонда, Советлар замонасида, улуғ Ленининг миллатлар биродарлиги, қон-қардошлиги таълимоти камолга етган замонда, кишилар онгида дўстлик, қардошлик чинакам ахлоқий норма қаторига кирган замонда яшар эканмиз. 26-даги зилзиланинг майда тўлқинлари ҳали тинмасданоқ улуғ Ленин партиясининг Бош секретари ўртоқ Брежнев билан Совет ҳукуматининг бошлиғи ўртоқ Косигин ҳаво паймода учиб келиб, бизнинг қолимиздан хабар олдилар. Советлар Иттифоқи деб аталган 230 миллионли халқ бизга ёрдамга оёққа қўзғолди. Улуғ пойтахтимиз Москва, Ленинград, Киев, Минск, Олмаота, Боку, Душанба, Тбилиси, Ереван, Олмаота эшелон-эшелон қурилиш материаллари ва озиқ-овқатлар билан йўлга тушди.

Тошкентлик бир кекса билан сўзлашиб қолдим:

— Э болам, аслини ўйлаганда, — деди у, — Некалай бизни алдаган экан. Ҳамма солган иморатларининг усти ялтироқ бўлгани билан ичи қалтироқ, ҳаммаси кесакдан, хом ғиштдан қилинган иморат экан. Битта зарбга чидамай тутдай тўкилди-я. Советский иморатларни қара, бурнига пашша қўнганча парво қилгани йўқ. Гердайганча қаққайиб турибди...

Чиндан ҳам, зилзиладан шикаст кўрган иморатларнинг кўпчилиги хонлар, беклар замонасидан ва Николайдан қолган иморатлар. Энди биз бу ерлар ўрнида ўзимизнинг янги социалистик Тошкентимизни қурамиз, қурганда ҳам Шарқнинг мунофиқ машъали бўлган Тошкентимизни қурамиз. Бу ерда юксак-юксак Москва, Ленинград, Киев, Минск, Олмаота қўркам кўчалари бўлади. Яна ўша миллионлаб аҳолимиз тинч, тотув, биродар, бир-бирларига шафқатли ва меҳрибон, меҳнатсевар, шоду-хандон ҳаётларини давом эттирадилар.

Совет халқи деганимиз ажойиб халқ экан. Ўтган 50 йилнику қўяқолай. Кейинги 25 йилни олайлик. Иккинчи жаҳон урушининг ўзида 10 миллиондан зиёд йигитимиз—халқимизнинг қудрати ва қаймоғи қурбон бўлди. Минглаб шаҳаримиз, ўн минглаб қишлоғимиз ер билан яксон бўлди. Совет кишилари ўзларига хос жасорат ва матонат билан, меҳнатсеварлик билан, жабру-жафоларга беролган бардошлари билан шаҳарларимизни, қишлоқларимизни қайтадан, аввалгисидан ҳам муҳташамроқ қилиб бино қилдилар. Гарчанд бу Ватан урушида, фашизмни тор-мор келтириб, инсониятни бу кулфатлардан озод қилган жангда шаҳид кетган қаҳрамонларимизнинг хотираси ёдимиздан абадий ўчмаса ҳам, оналаримиз уларнинг ўрнини тўлдириб қўйдилар. Емирилиш устидан қурилиш ҳоким бўлган мамлакатда, бири ўлса, юзи туғиладиган юртда абадий истиқбол ана шундай порлоқ бўлади.

Тошкентлик ватандошларим, мен ўз шаҳрим аҳолисининг балоларга бардош берадиган жони билан, туғуми ва тўзими билан, ғишт қуйиши ва бино кўтариши билан, чумолидай ўзидан оғир юкни орқаси билан юриб бўлса ҳам ўз инига тортиши билан, иноқлиги ва иттифоқлиги билан, дўстпарварлиги ва меҳрибонлиги билан ва ниҳоят, етук илм-маърифати билан фахрланаман. Ахир, улар, афсонавий бўлса ҳам, Нуҳнинг тўфон қиссасидан тортиб инсон-севмас худонинг жаҳаннамигача бўлган қиссаларни, Америка лаънатилари Хиросимо ва Нагасакида ёққан ажал гулханларини, гитлерчи фашистларнинг еру-осмон тоб келтиролмаган жиноятларини, не-не тўфонлар, қасиргаларни, хулласи, тарих-тарих бўйлаб инсоният бошига тушган бутун кулфатларни ўқиб, эшитиб, кўриб, бошдан ўтказиб яхши биладилар.

Олам, олами қиёсдир, шу фожиаларга нисбатан Тошкент фожиасини қиёс қилиб кўрганда ҳар бир мукаммал инсон ўзўзига тасалли бераолади...

Бир минг балодан омон
қолган бош,
Ярқира, манглайим, инсоли
қуёш.

1966 йил, 21 июнь.

БУГУН УЛУҒ ВАТАН УРУШИ БОШЛАНГАНИГА 25 ЙИЛ ТЎЛДИ

ЖАНГОВАР ЙИЛЛАР ШУҲРАТИ

ТИНЧЛИК СОҚЧИЛАРИ БЎЛАЙЛИК

Дўстим, сенинг Будапештдан ёзган хатингни олдим. Сен ўз хатингда ўзбекистонлик турист меҳмонлар Венгриянинг пойтахти Будапешт бўйлаб қилган саёҳатлари ва бу саёҳатдан олган ўз таассуротлари ҳақида фахрланиб ёзгансан.

Мен сенинг хатингни ўқир эканман, Будапешт шаҳри учун олиб борилган шиддатли жанглар ва фашистларнинг мазкур шаҳардаги тинч аҳоли устидан қилган ёвуз ваҳшийликлари кўз олдимдан бир-бир ўта бошлади.

Будапештнинг Догань кўчаси. Бу кўчада «Ботирлар бутхонаси» деб аталган ҳашаматли бино бор. Эҳтимол, сен ҳам шу бино ичига киргандирсан. Бу бино фашист босқинчилари томонидан қилинган ваҳшийликларнинг жонли шоҳидларидандир. Кенг, тўрт бурчакли ҳовли ичида тинчлик иши учун қурбон бўлганларнинг жасадлари дафн қилинган. Бутхонанинг сариқ тош деворларида уларнинг номлари ёзиб қўйилган. Гитлерчи қонхўрлар даврида бу ер ваҳшийликлар макони бўлган.

Пешт душмандан тозаланиши биланоқ, одамлар шу бино томонга оқабошлади. Унинг баҳайбат дарвозаси ёнида будапештликлар гуж бўлиб тўпландилар. Улар бошларини қуйи солган ҳолда турар эдилар. Ўзбек жангчиларидан кимдир бу ерга тўпланганлардан қизиқиб сўради:

— Нима учун бу ерга халқ тўпланмоқда?

Маълум бўлишича, улар бу ерга гитлерчи жаллодлар томонидан азоблаб ўлдирилган қавм-қариндошларининг жасадларини қидириб топиш учун келган эканлар. Биз ҳам бир гуруҳ жангчилар билан одамлар орасидан ўтиб дарвозадан ичкарига кирдик. Бутхонанинг қоп-қора билан қопланган ҳовлиси қон билан беланган. Баҳор қуёшининг нурлари қипқизил қорлар устида ялтирайди.

Бутхона ичкарисида ўликлар тоғ-тоғ бўлиб ётибди. Мен уларнинг ким эканлигини билмайман, аммо шу нарса аёнки, уларнинг ҳаммаси урушга қарши уруш очган, бундан кейин ҳеч қандай уруш бўлмасин деб курашган, шаҳарлар устида тинчлик байроғи кўтариши учун жон олиб, жон берган, бутун дунё халқлари, улар қайси миллатлигидан, қайси системада яшашларидан, қайси эътиқодга мансуб бўлишларидан қатъий назар тинч-тотув яшашни истаган кишилар эди. Биз бу кишиларнинг қаршисида бош эгиб, ҳаётимизни олиб, таъзия билдирган ҳолда уларнинг тирналган, бурналанган, кўкарган, қон билан бўялган танларига узоқ вақтгача тикилиб турдик.

Мана ёш хотиннинг чавақлаб ташланган тани. Бу хотин ким? Қайси бир софдил венгернинг хотини? Уни таниб бўлмайди. Гўзал юзлари тимдаланган, тани эса бурда-бурда қилинган. Унинг қучоғида икки ўлик бола, онани ким бундай ҳақорат қилди. Лабларида она сути қотган ёш гўдакларга раҳми келмаган жаллод ким? Фашист! Буни ҳеч қачон унутиш мумкин эмас, ахир!

Ўликлар орасида 10-12 яшар қиз бола юрибди. Унинг кўзларида ёш. Лаблари титрайди. Кўзларида қасос ўтлари ёнади. У ҳар бир ўлик ёнига келиб, уларнинг нурсиз юзларига тикилиб қарайди-да, бу менинг онам эмас, деб яна қидиришда давом этади.

Дўстим, бу манзарани унутиб бўладими? Йўқ.

Доктор Адам Лаюш Вашелье кўчасидаги 27-уйга кириши таклиф қилди. Биз подвалга тушиб, қалашиб ётган мурдаларни кўрдик.

Докторнинг айтишича, шу ҳовлининг кишилари подвалга гитлерчилардан яшириниб ётган эканлар. Душманнинг Пештдан кетиши олдидан бу бир тўда фашист солдатлари подвалга тушади. Улар орасидан бир ефрейтор:

— Олтин тош! — деб бақиради.

— Олтин йўқ! — дейди қоронғу подвалдан кимдир.

Ғазабга келган гитлерчилар гуноҳсиз кишилар устига автоматлардан ўқ ёғдирадилар. Граналар ташлайдилар.

Дўстим, буларни унутиш мумкинми, ахир?! Йўқ, мутлақо мумкин эмас. Фашистларнинг Венгрия пойтахтида қилган жиноятлари инсоният бошига солган кулфатнинг бир томчиси, холос. Вақт ўтиши билан кўп нарсалар унут бўлади. Аммо, бу ҳилдаги фожиани, бу ҳилдаги даҳшатни, бу ҳилдаги жиноятни инсоният кўрмаган. Бу жиноятларнинг жонли гувоҳи ўлароқ шаҳар марказида улкан бир мақбара қад кўтарган. Агар фашизмнинг Европада қилган жиноятларини эсидан чиқарадиган бирон киши бўлса, гуноҳсизларнинг қабри унга лаънатлар ўқийди. Биз эса биламизки, совет кишилари буларни ҳеч қачон унутмаяжак. Фашизмнинг бу ҳилдаги жиноятларини янги шаклда такрорлаётган Америка империалистларининг озод Вьетнам тупроғида қилаётган жиноятлари бутун жаҳон оммасини яна бир бор огоҳлантирмоқда. Ҳа, ер юзида яна бир шарпа оралаб юрибди. Бу янги фашизм шарпаси. Ўртоқ, сен бу шарпанинг кенг қулоч ёйишига йўл қўйма, тинчлик, озодлик иши учун кураш — бу сенинг бурчингдир.

Т. ЭРНАЗАРОВ.

◆

Ҳаракатдаги Совет Армиясининг қисм командири Г. П. Буйновский қисм составига келиб қўшилган Курск партизан отрядини табриклаётир. Сталинград районида, 1942 йил Совет Армияси сафига кўнгилли бўлиб борган трактор заводининг слесари А. В. Кравцов қасамёд текстини ўқимоқда.

ТАСС фотохроникаси.

МАНГУЛИК

Сиз ёзувчи Адҳам Раҳматнинг Улуғ Ватан уруши қаҳрамонлари ҳаётидан ёзган очерки ва лавҳалари билан яхши танишсиз. Уларнинг баъзилари окопларда ёзилган. Адҳам Раҳмат қуролдош дўстлари, ўзбек жангчилари хотирасини тиклаш йўлида қутлуғ ишлар қилмоқда. У шу ниятда мамлакатимизнинг кўп жойларида, шунингдек Брест қалъасида бўлди. Ёзувчи ҳозир Брест қалъасининг қаҳрамон ҳимоячилари сафида бўлган ўзбекистонлик жангчилар ҳақида китоб ёзмоқда. Қуйида ушбу китобга кирган лавҳалардан бирини ўқийсиз:

◆ ◆

Ўзбек халқининг фарзандлари Улуғ Ватан уруши йилларида Коммунистик партия раҳбарлиги остида, улуғ оғамиз рус халқи бошчилигида барча совет халқлари фарзандлари билан бир сафда босқинчиларга қарши курашда юксак ирода, чидам, мардлик ва матонат намуналарини кўрсатдилар. Афсонавий Брест қалъаси ҳимоячилари сафида ўнларча ўзбекистонлик жангчилар бўлганлиги билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Уларнинг номи ва жасорати Брест қалъаси ҳимояси тарихи китобига олтин ҳарфлар билан ёзилган.

* * *

Гитлерчилар қалъани қўлга киритиш учун янгидан янги кучларни жангга ташлардилар. Тўқнашувлар гоҳ чердакда, гоҳ томда ва подвалларда давом этарди. Фашистларнинг каллакесар солдатлари сон жиҳатидан кўп бўлгани қалъа ҳимоячиларига оғир талафот етказарди. Қалъа амбразураларида, ойналар олдида, мўрилар орасида портлайдиган моддалар дамба-дам гумбурлаб, деворларни ағдариб, шипларни кўтариб ташлар, ғиштлар ҳамда йўғон харилар остида одамлар қолиб ҳалок бўлар эди. Шундай хавфга қарамай, марказий участкага жойлашган жангчиларимиз баррикадалар ясаб, жангни давом эттирдилар.

Гитлерчилар қалъанинг ғарби-шимолий томонидаги дарвоза ёнига окоп қазиб, жойлашиб олишди. Бу жойдан улар қалъани тўхтовсиз ўққа тутар, шарқ томондаги бинолар ичига кириб олишга интилар эдилар. Фашистлар забт қилиб олган саройдан казармага қочиб келган жангчилар орасида Дониёр Абдуллаев ва Сос Нуржаниялар ҳам бор эди. Бу икки дўст гоҳ қалъа туйнуги олдида туриб дарё томондан бостириб келаётган душманга қарата ўқ узар, гоҳ уй ичига кириб олган автоматчиларга қарши қўл жангига киришиб кетар, улар билан шердек олишиб, уй ичидан қувиб чиқарардилар. Бошқа жангчилар қаторида Абдуллаев билан Нуржаниялар ҳам милтиқларида ўқ қолмаганлиги учун ўлжа олинган фашист автоматларидан ўқ узардилар.

Оқ сарой қўлдан кетгунча шу каби аҳвол давом этиб турди. Душман билан қаҳрамонона олишиб, оғир ярадор бўлган жангчиларни душман танклари босиб, эзиб кетаётганини кўрган Дониёр Абдуллаев гитлерчиларнинг ваҳшийлигига чидолмай ўлжа автоматдан ўқ узган ҳолда: «Гитлерчиларга ўлим!» деб қичқирарди.

Душманга нисбатан чексиз газаб ва нафратга тўлган Дониёр бир иш қилдики, бунга унча-мунча одамнинг юраги дов бермасди. Қалъанинг ўқ узадиган тешиги олдида кўкрагидан оғир ярадор бўлган бир сержант инграб ётарди. Дониёр дарҳол уни таниб қолди, улар полк мактабида бирга ўқиган эдилар.

— Душман қўлига асир тушгандан кўра ўлганим афзал эди, — деди ярадор сержант.

— Эсингни йиғиб ол, ўзингдан-ўзинг нималар деяпсан? — деди унга Дониёр.

Ярадор сержантнинг лаби қаттиқ тишланганидан кўкариб кетганди. У Абдуллаевдан «Дўстим бўлсанг, битта патрон бергин», — деб илтимос қилди.

Оғир ярадор бўлиб ётган сержантга патроннинг нима учун керак бўлишини Дониёр пайқади. Ойнага чиқиб фашистларга сўнгги ўқни отишга кучи етмаса-да, аммо сержант дискаси қуруқ автоматни қўлидан қўймас эди. У ҳақиқатан ҳам душмандан қасос олмоқчи эканини айтганда Дониёр унга битта эмас, иккита ўқ берди.

Ярадор сержант ойна олдига эмаклаб келиб, автомат оғзини ҳовлига қаратди ва лабини тишлаган ҳолда тепкини босди. Ҳовли юзида югуриб юрган душман автоматчиларидан иккитаси ер тишлаб қолди.

Жанг бораётган қалъа устидан учиб ўтган совет самолётини кўрган Дониёрнинг юрагида шодлик ҳислари тугён урди, севинчидан юраги тўлқинланиб кетди. Самолёт қалъа устида бир ларза учди-ю, кўздан ғойиб бўлди. Абдуллаев уй ичида у ёқдан-бу ёққа югуриб, гоҳ осмонга, гоҳ қалъа майдонига қарар, наҳотки мадад келмаса, деб ўзўзича гапириб қўярди.

Ўша куни Дониёр Абдуллаев билан Сос Нуржаниялар фашистларнинг зенит тўплари кучли ўққа тутиб турган жой яқинидаги уй ичида туришарди. Казармадаги ерлар снарядлар портлаши билан остин-устин бўлиб, деворлари тешилиб кетган, томлар ўпирилиб тушган, Фашист автоматчилари ўз артиллерияларига отишни тўхтатиш тўғрисида сигнал бериб, қўлга киритган жойларини мустаҳкамлаб олишга интилардилар.

Пастдаги уйларнинг бирида турган Дониёр казарма харобалари ичидаги ғишт уюмлари устида бир тўда гитлерчини кўриб қолди. Қўлай пайтдан фойдаланган Дониёр автоматдан ўқ узиб, уларни қийрата бошлади.

Орадан бир оз вақт ўтгандан сўнг бу ердаги жангчилар ва шу жумладан Дониёр Абдуллаев ҳам дарҳол бошқа хонага ўтиб олдилар. Душман артиллериядан кучли ўт очиб бўлгач, яна бир группа автоматчиларини ҳужумга ташлади. Икки ўртада яна қизғин жанг бошланди. Бу гал фашистлар сон жиҳатдан ҳам, қурол-ярог жиҳатдан ҳам анча ортиқ бўлсалар-да, бироқ қалъа қаҳрамонлари ҳам бўш келишмади.

Аламзада фашистлар қабиҳликка ўтдилар, жангчиларимизнинг кўзлари ачишиб, томоқлари бўғилди. Дониёрнинг ҳам кўзи ёшланиб кетди, яқинидаги жангчиларни ҳам кўра олмай қолди.

— Душман газ юборди, газ! — деб қичқирди Абдуллаев. У жуда қийналиб кўзини очди ва юзларига противогаз тутиб олган жангчиларни кўрди. Дониёр дастрўмолини флягадаги охирги сув билан ҳўллаб, юзига босди.

— Бу ердан бошқа жойга кетишимиз керак, бўлмаса душман ҳаммамизни бўғиб, кўр қилиб ўлдирмоқчи, — деди командир юзидан маскасини тортиб туриб.

* * *

Брест қалъасини штурм қилган гитлерчилар қалъа ичидаги озиқ-овқат омборининг қуйиб кетганлигини ва қалъа ҳимоячиларининг тўйиб овқат емасликларини билар, шунинг учун ҳам улар, очлик қалъа ҳимоячиларини таслим бўлишга мажбур қилади, деб ўйлар эдилар. Қалъа ҳимоячилари дастлабки кунлардаги сингари душманнинг таслим бўлиш тўғрисидаги таклифларини қатъиян рад этиб, жангни давом эттирардилар.

Душман қўмондонлиги солдатларга ҳужумга борганда озиқ-овқат олишни қатъиян таъқиқлаб қўйди. Қалъа ҳимоячилари қўлига ҳатто бир парча қотган нон ва бир чақмоқ қанд ҳам тушмасин, дер эдилар. Қуршовдаги жангчиларда тасодифан сақланиб қолган бир оз нон ва консерва бор эди. Бир кун жангчилар команда составининг ошхонасидаги фашист автоматчиларини суриб чиқариб, у ердан бир неча килограмм картошка ва бир неча банка консервани қўлга туширишдилар. Бу озиқ-овқатлар биринчи навбатда ярадорлар, хотинлар ва болаларга берилди.

Қалъа ҳимоясининг тўққизинчи куни Дониёр Абдуллаев билан Сос Нуржаниялар тупроқ қўрғон устида б лган тўқнашувда ҳар иккиси тўрт гитлерчини найза санчиб ўлдирди ва ўзлари ҳам қаҳрамонларча ҳалок бўлдилар. Ҳар икки дўст бир-бири билан ёнма-ён, найзали милтиқларини маҳкам ушлаганларича юзлари шарққа ўгирилган ҳолда ётишарди.

Ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллиги учун, жаҳонда барқарор тинчлик учун азиз жонларини фидо қилган қаҳрамонларимиз хотираси қалбимизда мангу яшайди.

Адҳам РАҲМАТ.

ВИЖДОН АМРИ

Зилзила оқибатида кўплаб оилалар бошпанасиз қолганлиги маълум. Шаҳримиздаги қатор олий ва ўрта махсус ўқув юртлари студентлари табиий офатдан зарар кўрган оилаларга ўз ётоқхоналарини бўшатиб бердилар.

Энди студентлар нима қиладилар, деган савол туғилиши табиий. Ҳаммамизга равшанки, бу студент йигит ва қизлар биримизнинг ўғлимиз, биримизнинг қизимиз, биримизнинг укамиз ва синглимиздир. Совуқ кунлар тушганда ҳам уларнинг чодирларда яшаб туришларига бефарқ қарай олмаймиз. Мен ана шуни назарда тутиб, Тошкент Политехника институтининг IV курсида қизим билан бирга ўқийдиган студентлар — Марзия Жалилова ва Зоя Молдабоеваларни уйимизда яшашга таклиф этдим. 20 майдан буён улар бизникида ўз туғишганларидек яшашяпти.

Бундай мисоллар жуда кўп. Сахий, оқ кўнгил, бағри кенг ҳамшаҳарларимиз бошига оғир кун тушган кишиларнинг жонига оро киришяпти. Тошкент политехника институти студенткаси Дилбар Рихсиева ҳам курсдоши Равшан Яхъёевага ўз уйидан жой берди. Новомосковская кўчасида турувчи З. Ф. Рижкова, чилонзорлик А. Ф. Бондаренко ўртоқлар ҳам бошпанасиз қолган таниш-билишларини ўз уйларига таклиф қилдилар.

Е. ЖАВҲАРОВ,
Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг ўрта махсус ўқув юртларн бошқарма сн бошлиғининг ўринбосари.

ЮКСАК МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Давлат савдоси ва умумий овқатланишни ривожлантириш соҳасида етти йиллик план топшириқларини бажаришда эришилган муваффақиятлар учун СССР Олий Совети Президиуми 1966 йил 13 июнь Фармонига биноан, мамлакатдаги давлат савдосининг энг яхши ўрнак кўрсатган ходимларидан катта бир группасини СССР орден ва медаллари билан мукофотлади. Ўзбекистон ССРдан қуйидагилар мукофотланди:

АНДИЖОН ОБЛАСТИ

Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан

Убайдуллаев Акбар — Наманган умумий овқатланиш трести 7-ошхонасининг ошпази.

Холбоева Бегимхон — Андижон шаҳар пишчеторги 15-магазинининг сотувчиси.

«Ҳурмат белгиси» ордени билан

Абдуллаева Аропатхон — «Гастроном» конторасн 12-магазинининг бўлим мудири.

Акрамшоева Маъфиратхон — Наманган шаҳар промторги 61-магазинининг сотувчиси.

Кучин Анатолий Николаевич — Меҳнаткашлар депутатлари Наманган шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари.

Маҳмудова Асилахон — Наманган шаҳар пишчеторги 77-магазинининг мудири.

Солнжонов Исмоил — Ленинск горторгининг старший товароведи.

«Шавкатли меҳнат учун» медали билан

Абдукаримова Ойша Бобожоновна — «Узобувьторг» Андижон базасининг бошқарувчиси.

Журавлева Агафья Петровна — Андижон умумий овқатланиш трести мактаб буфетининг буфетчиси.

Исоқов Абдиллажон — Андижон шаҳар промторги 1-магазинининг мудири.

Мушенкова Людмила Александровна — Андижон умумий овқатланиш трести 2-ошхона кондитери.

Низомов Мадамин Қиргизович — Андижон шаҳар пишчеторги 37-магазинининг сотувчиси.

Урусбиев Тенгиз Чупеевич — Андижон шаҳар промторгининг бўлим бошлиғи.

Хабирова Файзи Муфаззаловна — Ленинск горторги 6-ошхонасининг ошпази.

Ҳакимов Миралим — Наманган шаҳар промторги 2-универмагининг старший сотувчиси.

«Меҳнатда ўрнак кўрсатганлик учун» медали билан

Абдуллаев Файзулла «Узторгодежда» Наманган базасининг секция мудири.

Қодиров Шароб Назарович — область савдо бошқармасининг бошлиғи.

Ковалева Надежда Ефимовна — Андижон шаҳар промторги 2-магазинининг старший сотувчиси.

Мамадалиева Сайёра Сотқинбоевна — Ленинск горторги 1-магазинининг сотувчиси.

Неъматуллаев Мелибой — Наманган шаҳар пишчеторги 6-магазинининг сотувчиси.

БУХОРО ОБЛАСТИ

Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан

Қурбонов Қилич — Бухоро умумий овқатланиш трести ошхонасининг ошпази.

«Ҳурмат белгиси» ордени билан

Азимов Муҳсин — Бухоро умумий овқатланиш трести 53-ошхонасининг ошпази.

Нуруллаева Матлуба — «Узобувьторг» Бухоро базасининг старший товароведи.

Ҳамдамова Мукаррам — Бухоро шаҳар промторги 30-магазинининг сотувчиси.

«Шавкатли меҳнат учун» медали билан

Бадальянц Амазасп Христофорович — Бухоро умумий овқатланиш трести «Бухоро» ресторанининг кондитери.

Каримова Санобар Суннатовна — «Узоптбакалея» Бухоро базасининг бошқарувчиси.

Қосимов Азиз — Бухоро шаҳар пишчеторги 24-магазинининг мудири.

«Меҳнатда ўрнак кўрсатганлик учун» медали билан

Ашуров Нўғмон — Бухоро шаҳар промторгининг директори.

Блиставцева Александра Александровна — Когон горторги 1-ошхонасининг ишлаб чиқариш мудири.

Қурбонова Мастура — Бухоро шаҳар пишчеторги 71-магазинининг мудири.

Рудакова Евдокия Григорьевна — Бухоро умумий овқатланиш трести 40-ошхонасининг ошпази.

(Давоми бор).

ҲОДИСА

БЎРИ ИЗИДАН

Бир неча кун бўлдики, тун ярим бўлганда қўйлар тўда-тўда бўлиб, чор атрофга қочади. Бунинг сабаби маълум: подага бўри ҳужум қидарди. Чўпонлар Р. Бекбўтаев, О. Раҳимқулов, У. Бегматов бўрининг йўлини пойладилар.

Тун. Оқчогол тоғ ёнбағридан бир йиртқич пода томон кела бошлади. Чўпонлардан бири қўшоғизнинг тепкисини босди. Бўри яраланди-ю, ўлмади. Чўпонлар бўрини қўлдаб кетишди. Катта ҳарсанг орқасига яширинган йиртқич чўпонларга ҳужум қилди. Узоқ олишувдан кейин бўри ер тишлади. Чўпонлар уни ўлдириб яна из қидириб, бўри уясига етиб келдилар. Бу ерда бўрининг тўртта боласи тирик ушланди. Ғаллаорол районидаги «Гулистон» колхози правлениеси чўпонларнинг ҳар бирини биттадан қўй билан мукофотлади. Район тайёрлаш идораси овчиларга пул мукофоти берди.

А. САРИБОЕВ.

«Узбекхиммаш» заводи ишчи ва хизматчиларининг 300 фарзанди Оржоникидзе районидаги Хондайлиқ қишлоғига жойлашган «Спутник» пионер лагерида дам олишяпти. Бу ерда болаларнинг яхши дам олишлари учун барча шароитлар яратилган. Суратда: лагерда дам олаётган болаларнинг бир группаси.

О. Левак фотоси.

БИЗНИНГ АХБОРОТ

ФУТБОЛ

Ю. Пшеничников ва Б. Абдураимов олимпия командаси составида

СССР олимпиада терма командасининг тренерлари Г. Качалин ва Н. Симонян «Пахтакор» футболчиларидан икки кишини — дарвозабон Юрий Пшеничниковни ҳамда ҳужумчи Биродар Абдураимовни олимпия команда составига киритдилар. Бугун, 22 июнда Ульяновск шаҳрида СССР олимпия терма командаси «Шварц-Вайс» (Австрия) клуби спортчилари билан ўртоқлик учрашуви ўтказади.

Меҳнаткашлар учун

Ҳазорасп район марказида янги дорихона, мактаб биноси, спортчилар уйи фойдаланишга топширилди. Шунингдек, райондаги Наримонов номли колхозда янги универмаг биноси қад кўтарди.

С. Қурбондурдиев, Н. Султонов.

Бахти кулганлар

БУХОРО, (**«Совет Узбекистони» мухбиридан**). Шаҳардаги 5-уй бошқармаси ҳузурида «Бахт уйи» очилди. Жамоатчилик асосида ташкил этилган «Бахт уйи»да туғилганлик ҳақида гувоҳнома, балоғатга етганлар учун Совет паспорти берилади. Бу ерда шаҳар комсомол-йўлларининг турли байрам кечалари ҳам ўтказилиб турилади.

Тамакикорлар мамнун

Ўзбек давлат филармонияси артистларидан бир группаси Самарқанд область, Ургут районига бориб, тамакикорларга концерт қўйиб берди. Колхозчилар эстрада артистларининг мазмунли концертларидан мамнун бўлдилар.

Х. Гулмуродов.

ШИНГИЛ ХАБАРЛАР

Сирдарё. Титов номли совхозда ташкил қилинган 2 йиллик механизаторлар мактабини ўттизга яқин киши битириб чиқди.

Х. УМРЗОҚОВ.

Хоразм. Янгиариқ районидаги Охунбобоев номли колхозда 250 хонадон газлаштирилди. «1 Май», «Правда», Киров номли колхоз хонадонлари ҳам газлаштирилмоқда.

Т. ЖУМАНИЕЗОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

7.55 — Озодалик — соғлиқ гарови (рус.). 8.25 — Қўшиқлар. 9.30 — Концерт. 10.30 — СССР санъат усталари концерти. 11.10 — Улуғ Ватан уруши йилларида ўзбек жангчилари». 11.25 — Улуғ Ватан уруши қатнашчилари талабига мувофиқ концерт. 12.25 — Концерт. 12.45 — «Улуғ Ватан уруши». 13.30 — Кичик эстрада концерти. 16.15 — Концерт. 17.00 — «Ёшлик» радиостанцияси. 18.10 — Халқ хорлари. 18.30 — Концерт. 19.20 — Қозоқ куйлари. 20.00 — «Мўл ҳосил» (рус.). 20.10 — Операладан парчалар. 20.45 — «Тошкент кўчаларидан репортаж». 21.20 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт. 21.55 — Озодалик — соғлиқ гарови. 22.00 — Коммунистик ахлоқ ва тарбия. 22.15 — Қўшиқлар. 22.40 — Поэзия кечаси. 23.20 — Беш йиллик илғорлари талабига мувофиқ концерт.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Телевизион янгиликлар**. 18.20 — **Ҳаммасини билгим келади** (болалар учун). 19.00 — **Вильнюс куни**. 19.35 — **Оддий фашизм** (ҳужжатли-публицистик фильмнинг 2-серияси). 20.45 — **Эртаги кун программаси**.

Ўзбек тилида: 20.50 — **Телевизион янгиликлар**. 21.05 — **Сувчи, ҳосилнинг тақдири сенинг қўлингда** (қишлоқ хўжалик ходимлари учун). 20.25 — **Отажонлар мадҳияси** («Ёшлик» студияси). 22.10 — **Концерт**.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 19.15 — **Мактаб ўқувчилари бригадасида**. 19.45 — **Одамлар, унутманглар** (телефильм). 19.55 — **Тошкент янгиликлари**. 20.05 — **Космик кўприк** (ҳужжатли фильм).

Рус тилида: 20.25 — **Концерт**. 21.05 **Тошкент янгиликлари**. 21.15 — **Овчилар** (телефильм). 21.35 — **Йигирма йилдан кейин** (бадиий фильм).

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Хўроз — «УЗБЕКИСТОН», «МОСКВА», «ВОСТОК», НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Етти азамат — «ЧАЙКА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Итоаткор қиз — «МИР», «УЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (эрталаб соат 11, кундуз 3 ва 4 да).

Салом, бу — мен! — «СПУТНИК», СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

Том тоғанинг нулбаси — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Алданган ва хўрланган — «ЮЛДУЗ» (кеч соат 7 ва 9 да).

Хотинлар — НАВОИЙ номли (кеч соат 10 да).

Уч мушкетёр — «МОСКВА» (кеч соат 6 да).

Ун икки ой — «ЧАЙКА» (кундуз соат 12 да).

Солдат қиссаси — «УЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 11 да).

«ПОЛИТОТДЕЛ» КОЛХОЗИ СТАДИОНИДА

23 июнь кеч соат 7 да Совет Иттифоқи биринчилиги учун «А» классидаги: **«Политотдел» (Тошкент области) — «Энергетик» (Душанба) командалари ўртасида**

ФУТБОЛ

Тошкентдаги Навоий номли театрдан Революция сквери орқали стадионга (87-маршрут) автобуслар қатнайди.

ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

Халқаро ҲАЁТ

ФЕОДАЛИЗМ САРҚИТЛАРИГА ҲУЖУМ

Ҳаммаси Мисрдаги Камишш деган кичик қишлоқда бўлган воқеалардан бошланди. Маҳаллий феодаллар ва йирик мулкдорлар олдин ҳокимиятнинг ер ислоҳоти ўтказиш тўғрисидаги қарорларини амалга оширишга турли йўллар билан халақит бердилар. Улар ҳар хил сабабларни рўкач қилиб, ер ислоҳотига доир тадбирларни амалга оширишдан бош тортдилар, хиёнатчилик қилдилар, аҳолини қўрқитдилар. Дўқ-пўписалардан фойда чиқмаслигини билган реакционерлар охири очиқдан-очиқ ҳаракат қила бошладилар. Май кунларнинг бирида тунда Камишшда ўқ овозлари эшитила бошлади. Араб Социалистик иттифоқи маҳаллий комитетининг активларидан бири Салоҳ Ҳусайн ўлдирилди...

Бу воқеалар БАРда феодаллар ва йирик мулкдорларга қарши кураш кампаниясини кучайтиришга туртки бўлди. Гап шундан, ер ислоҳоти тўғрисидаги қонунга биноан бир оила юз феддан (бир феддан 0,42 гектарга тенг)дан ортиқ ерга эга бўла олмаслигига қарамай катта ер эгалари турли ҳийлалар билан ўз ерларини сақлаб қолишга урина бошладилар. Улар узоқ қариндошларига, сохта шахсларга ва ҳатто чет эллиларга ўз ерларини «сотганликлари» ва «ҳадя» қилганликлари» тўғрисида қалбаки ҳужжатлар ясадилар. Бу ҳам фош бўлиб қолишидан қўрққан ер эгалари ўз капиталларини шаҳарга кўчириб, ўлик молга айлантириб қўйишга киришдилар, кўплаб феодаллар ўзлари вилоятларда яшаб туриб Қоҳира ва Александрияда шахсий уй-жойлар қура бошладилар. Бу уйлардан ҳам катта даромад олинарди.

Эндиликда бунга чек қўйишга қарор қилинди. Ҳозир эксплуататор элементларга қарши тобора кучайиб бораётган кураш мамлакатнинг ички сиёсий ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди. БАРнинг биринчи вице-президенти, маршал Амир раислигида «феодализм сарқитларини тугатиш комитети» ташкил этилди. Ҳукуматнинг бу махсус комитети мажлисларида феодал сарқитларига қарши кураш формалари ва методлари ўрганилди. Қишлоқ хўжалик сиёсатидаги нуқсонлар атрофлича таҳлил қилинди. Шунисн характерлики, комитет ишида губернаторликларнинг вакиллари, араб социалистик иттифоқининг активлари ва жамоат арбоблари қатнашмоқдалар.

Амалий чоралар ҳам кўрилмоқда. Мамлакатнинг ҳамма ерида бошқаларнинг меҳнатини эксплуатация қилиш туфайли орттирилган шахсий мулкка секвестр солинди. Бош министрнинг қишлоқ хўжалиги ва ирригация бўйича ўринбосари Абу Нур, қишлоқдаги нураш катта ерларга эга бўлиб, бошқаларни турмуш кечириш воситаларидан маҳрум қилиб қўйган ва ер ислоҳоти тўғрисидаги қонунни турмушга татбиқ қилишга тўсқинлик қилаётганларга қарши қаратилган, деди.

Катта ер эгалари билан илгари тузилган шартномалар бекор қилинади. Сохта шахслар номига ерларни ёзиб қўйиш ва комитетнинг феодализм сарқитларини тугатиш бўйича кўрсатмаларидан бўйин товлашлар ер ислоҳоти тўғрисидаги қонунга хилоф иш деб қаралмоқда.

Абу Нур таъкидладики, қишлоқда феодализм сарқитларини тугатиш юзасидан амалга ошириладиган тадбирлар бир минг дарҳол ерни дарҳол фаллоҳлар ўртасида тақсимлаш имконини беради.

А. ЕГОРИН,
АПН мухбири.

Қоҳира, июнь.

МИНИСТР БУХЕРНИНГ «СОВҒАСИ»

ГФРнинг уй-жой қурилиши министри Бухер яқинда «социал квартиралар» деб аталмиш квартираларнинг, яъни давлат маблағлари билан қурилаётган ҳамда анча оз ижара ҳақи олинаётган квартираларнинг хонадонларини «хурсанд қилди». Бундан буён квартира ижарачилари олдингига кўра 20-50 марка кўп ҳақ тўлайдиган бўлдилар. Шуни ҳам қўшиб қўйиш керакки, бундай квартираларда кам иш ҳақи оладиган кишилар яшайди. Нархни бундай ошириб қўйиш уларнинг бюджетига жиддий таъсир қилиши мумкин.

«Социал квартиралар»га ордер олиш насиб қилган озгина бахтиёрларнинг турмуши шахсий уй эгаларининг квартиларини ижарага оладиган гражданларга қараганда ҳақиқатан ҳам жанноатга ўхшайди. 1963 йили квартира ҳақи белгилашда чегаралашларни ман этиш тўғрисида қонун қабул қилинганидан кейин мамлакатда уй-жойлар билан олиб-сотарлик қилишни тўхтатиб бўлмай қолди. Кўпгина уй эгалари квартира ҳақини 200-300 ва ҳатто 400 процент ошириб юбордилар.

Тўғри, «квартира судхўрлиги»ш устидан қонун бўйича суд га арз қилиш мумкин. Бироқ бу иш батамом фойдасиз. Масалан, яқинда Франкфурт-на-Майнеда шундай бир воқеа юз берди. Бир уй бекаси болахонасини жиҳозлаб, 24 квадрат метр келадиган «квартира»ни ижарага қўйди. Бу «аппартамент» учун олиб-сотар котин ойига 400 марка сўради. Шуни тушунтириб қўйиш лозимки, бу юқори малакали ишчининг бир ойлик иш ҳақининг ярмидан ҳам ортиқдир. Ижарага турадиганлар ҳам топилди. Бироқ улар юқорида айтилган қонунни эшитиб қолиб, судга арз қилдилар. Суд жиддий текширишдан кейин арзаланувчилар шикоятини рад этди ва уй бекасини ёқлаб чиқди.

Кўриниб турибдики, министр Бухернинг ташвишланадиган жойи йўқ: Бонн шаҳрати батамом унинг тарафида.

В. КРАСНОПОЛЬСКИЙ.

(АПН).

ХАНОЙ УСТИДА ЖОСУСЛИК МАҚСАДИДАГИ УЧИШЛАР

ХАНОЙ, (ТАСС). Америка самолётлари Вьетнам Демократик Республикасининг ҳаво масофаларини яна бузиб ўтдилар ва Куангбинь, Хатинь, Нгеан, Тханьҳоа вилоятларидаги аҳоли яшайдиган пунктларни ва саноат объектларини бомбардимон қилдилар.

Вьетнам халқ армиясининг ҳаво ҳужумига қарши мудофаа қисмлари 17 июнда Нгеан вилояти территорияси устида Американинг бир самолётини уриб туширдилар.

Вьетнам Демократик Республикаси устида уриб туширилган Америка самолётларининг умумий сони 1123 тага етди.

БОННДА НЕГА ВЕРМАХТНИ ОҚЛАЯПТИ?

Кейинги йилларда Ғарбда, айниқса Боннда гитлерчилар армиясини оқлашга, бу армия ҳалқаро қонунларга мос келадиган уруш олиб борганини, тинч аҳолига нисбатан фақат СС ва гестапо қўшинларигина ёвузликлар қилганлигини исботлашга ҳаракат қилаётган авторларнинг «илмий ишлари» пайдо бўлмоқда. Бундан ташқари Ғарбий Германияда гитлерчилар армиясининг традицияларн бундесверда тикланаётгани тобора очиқдан-очиқ айтиладиган бўлиб қолди.

АПН газетхонлар эътиборини Польшанинг машҳур журналисти Мариан Подковинскийнинг мақоласига жалб қиладн. У «Трибуна люду» газетасида эълон қилинган бўлиб, буржуа тарихчилари «тадқиқотлари»нинг моҳиятини фош қилади.

Яқинда гитлерчиларнинг Польшадаги жиноятларини қидириш бўйича бош комиссия ва ПХР ҳарбий тарих институти томонидан чақирилган илмий конференцияга гитлерчилар вермахтининг Польша территориясидаги ёвузликлари тўғрисида жуда бой, ҳали жаҳон жамоатчилигига кам маълум бўлган ҳужжатли материаллар тақдим этилди.

Доктор Ш. Датнер ва полковник Л. Гежог томонидан конференцияда ўқилган асосий докладларда Ғарбий Германия тарихчиларининг бутун айбни СС ва гестапо гарданига юклаб, гитлерчилар армиясини оқлашга қаратилган ҳаракатлари фош қилинади.

Ҳатто ГФРнинг кўзга кўринган айрим тарихчилари, масалан, Мартин Брошат сентябрь кампанияси даврида ва Польша фашистлар томонидан босиб олинган пайтда гражданларни оммавий равишда ўлдириш ҳоллари рўй берганини тан олиб, уларни «фақат фронт ичкарисида ҳаракат қилаётган СС ва полиция бўлиналарининг қўшинлари қилган» деб ҳисоблайди. Тарихчи Кранигральс ҳам худди шундай ривоятлар тўқимоқда. У Варшава қўзғолони пайтида ҳажм жиҳатидан мисли кўрилмаган ўлдиришларни фақат СС қисмлари гарданига юклайди. Рўй берадиган барча ишларнинг эса вермахтга ҳеч қандай даҳли йўқ эмиш.

Ҳужжатлар бунинг аксини тасдиқлайди. Полковник Гежог ўз докладида вермахтнинг Польша территориясида СС ва вермахт бир-бири билан ҳамкорликда одам ўлдирганини тасдиқловчи қатор буйруқларни ўқиб берди. Улар ҳарбий асирларни, оддий гражданларни, партизанларни қириб юборганлар. Вермахт операциялари тўғрисида сўз кетганда шуни ҳам айтиш керакки, бу операциялардан бирортаси ҳам соф ҳарбий характерга эга эмас.

Вермахтнинг Билгорай ва Замостья районларида «Вервольф» ва Люблин воеводлигида олиб борган «Штурмвинд» деб аталган қирувчилик операцияларига ҳарбий округ бошлиғи генерал Гаэнике раҳбарлик қилди. Бу операциялар пайтида полиция қисмлари армия қисмларига бўйсунган эди. Масалан, округ штаби бошлиғи генерал Борк буйруғида шундай дейилади: «16 ёшдан 60 ёшгача бўлган барча эркаклар йўқ қилиниши керак... Операция ўтказиладиган районларда ҳеч қандай нарса эътиборга олинмасин».

Тинтиш, одамларни Германияда ишлаш учун зўравонлик билан олиб кетиш, қамоққа олиш ва талаш — вермахт ҳарбий адолатсизлигининг чўққиси ана шулар. Уларнинг ана шундай «яхши ниятлари»ни исботлашга биргина ГФР тарихчилари эмас, айрим Ғарб «тадқиқотчилари» ҳам бутун кучларини сарфламоқдалар. Масалан, инглиз ҳарбий эксперти, капитан Лиддел Гарт ўзининг «Тоғ орқасида» деган китобида вермахт Кайзер армиясидан фарқ қилган ҳолда халқаро конвенцияга биноан уруш олиб бориш қонунлари ва қоидаларини бузгани йўқ, деб ишонтиришга ҳаракат қилади. Дунё бундан ҳам шармандалироқ ёлғончиликни ҳали кўрмаган бўлса керак!

Конференцияда Польша территориясида содир бўлган ўлдиришлар учун жавобгар бўлган вермахт генераллари ва офицерларининг номлари ҳам аталди. Маълум бўлишича, уларнинг кўпчилиги ҳозир ҳам ГФРда тинчгина яшаётган ва сахийлик билан берилаётган пенсиядан фойдаланётган эканлар. Агар у ёки бу эсэсчи ёки гестапочи ўзи қилган ёвузликлар учун Ғарбий Германия суди олдида жавоб берадиган бўлса, гитлерчилар вермахтининг миси чиқарди.

У ҳолда ҳарбий жиноятчиларнинг ҳужжатлар билан яхши асосланган ва кишиларни оммавий равишда йўқ қилиб юборишда айбдор бўлган шахсларни жавобгарликка тортишда асосий ҳужжат бўладиган тўлиқ рўйхатини тузиб чиқиш жуда ҳам зарурдир.

Мариан ПОДКОВИНСКИЙ,
Польша журналисти.
(АПН).

Варшава, июнь.

МЕДАНДА СУД

ЛОНДОН. (ТАСС). Индонезиянинг Медан шаҳри (Шимолий Суматра) ҳарбий трибуналида Индонезия Коммунистик партияси Сиёсий бюросининг аъзоси, Индонезия Ҳамкорлик парламенти ва Индонезия Муваққат халқ маслаҳат конгрессининг депутати Парис Пардед суд қилина бошланди. У, «30 сентябрь ҳаракати»да қатнашишда айбланди.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг
РЕСПУБЛИКА ЭЛЕКТРОТЕХНИКА МЕДИЦИНА ТЕХНИКУМИ

рентген ва электромедицина аппаратларини монтаж ва эксплуатация қилувчи рентген техника ихтисосига

ЎҚУВЧИЛАР

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун тўлиқ ўрта мактаб ҳажмида маълумотли, 30 ёшгача бўлган эркак ва хотин-қизлар, сиртқи бўлимга эса тўлиқсиз ўрта мактаб (7, 8 синф) ҳажмида маълумоти бўлган ҳамма ёшдаги кишилар қабул қилинади.

Рентген-лаборант, рентгентехник вазифаларида ишлаб турган кишилар, шунингдек ремонт-монтаж устахоналаридаги электрослесарлар ва электромонтёрлар сиртқи бўлимга биринчи навбатда қабул қилинади.

Ўқиш муддати: қатнаб ўқийдиган бўлимда — 2 йилу 6 ой, сиртқи бўлимда: 10-синф ҳажмидаги маълумот билан — 3 йилу 6 ой, 7,8-синф ҳажмидаги маълумот билан — 5 йил.

Директор номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб берилади: етуклик аттестати ёки шаҳодатноманинг асли, соғлиғи ҳақида 286-форма медицина справкаси, таржимаи ҳол, 3х4 сантиметр ҳажмида бош кийимсиз тушган 3 та фотокарточка, меҳнат дафтарчасидан кўчирма, турар жойидан справка. Паспорт ва ҳарбий билет шахсан кўрсатилади.

Ҳужжатлар 31 июлгача қабул қилинади.

Техникумга кирувчилар: она тилидан (ёзма, ишоқ), математикадан (оғзаки), химиядан (оғзаки), СССР тарихидан (оғзаки) имтиҳон топширадилар.

Кириш имтиҳондари 1 августдан бошланади.

Мактабни олтин ёки кумуш медаль билан тамомлаган кишилар имтиҳонсиз қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Чилонзор район, Пекин кўчаси (16-шаҳар касалхонасининг собиқ биноси), қабул комиссияси (6, 24, 29, 33-автобуснинг «Пекин кўчаси» остановкаси).

Н. Жапаковнинг Диссертация ёқлаши
(газетанинг 5/VI сонини қаранг)
бошқа кунга кўчирилди
Ёқлаш куни қўшимча эълон қилинади.

ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИГА
русча **машинистлар, бухгалтерлар, старший бухгалтерлар, стенографистлар, дастёрлар**
КЕРАК
Навоий кўчаси, 13-уйда кадрлар бўлимига учрашилсин.

БАШНЯ КРАНЛАРИ 2-МЕХАНИЗАЦИЯ БОШҚАРМАСИ
ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда
башня кранлари машинистларини тайёрлайдиган
КУРСГА
ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
Ўқиш муддати — 1 ой.
Ўқувчилар стипендия билан таъминланади.
Курсни тамомлаб, имтиҳон топширганлар Тошкент шаҳри қурилишларида ишлайди.
Тошкент шаҳар, Сапёрная кўчаси, 10-уйда 2-механизация бошқармасининг кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин. Телефон 5-23-01, 5-01-08.

Бизнинг адрес ва телефонлар — СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 26. Редактор — 836545. Редактор ўринбосарлари — 837914, 839323. Масъул секретарь — 834456. Масъул секретарь ўринбосарлари — 837283. Партия турмуши — 833469, 837221. Марксизм-ленинизм назарияси ва пропаганда қилиш, халқаро ҳаёт — 831216. Коммунистик тарбия — 831455. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 834780. Совет қурилиши — 833258. Қишлоқ хўжалик — 837604. Адабиёт ва санъат — 832036, 837221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 834451. Маҳаллий ахборот — 832347. Оммавий ишлар ва хатлар — 839005, 833553. Иллюстрация — 834524. Стенографистка — 837343. Корректура — 837162. Эълонлар — 838142. Коммутатор — 830249, 830250, 830251, 830252, 830253, 830254, 830255, 830256, 830257, 830258.

№ — 139. ИНДЕКС 64543. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Р. 07867.